

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВА ДИЛШОДА НАМОЗОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЧИЛИГИДА ТАСВИРИЙ ВА**  
**БАДИИЙ ВОСИТАЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**  
**(анъанавийлик ва замонавийлик)**

**18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи.**  
**Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Архитектура бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по архитектуре**

**Contents of Dissertation Abstract of doctor of science (DSc)  
on architecture**

**Султонова Дилшода Намозовна**

Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадий  
воситаларни уйғунлаштириш йўллари (анъанавийлик ва замонавийлик) 5

**Султонова Дилшода Намозовна**

Пути гармонизации изобразительных и художественных  
средств в архитектуре Узбекистана (традиционность и современность).... 31

**Sultonova Dilshoda Namozovna**

Puts of harmonization of fine arts and artistic means  
in architecture of Uzbekistan (traditionship and modernity)..... 58

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 62

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВА ДИЛШОДА НАМОЗОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЧИЛИГИДА ТАСВИРИЙ ВА**  
**БАДИИЙ ВОСИТАЛАРНИ УЙЎНЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**  
**(анъанавийлик ва замонавийлик)**

**18.00.01 - Архитектура назарияси ва тарихи.**  
**Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзусы **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/A2-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (аннотация)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-saoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Расмий ошпонентлар:**

**Зияев Абдумайноп Абдурахимович**  
архитектура фанлари доктори, профессор

**Дурдиева Гавхар Салаевна**  
архитектура фанлари доктори, катта илмий ходим

**Муқимов Рустам Саматович**  
архитектура фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация химояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 12 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел. +99871 235-43-30; факс: +99871 234-15-11; web: [www.taqi.uz](http://www.taqi.uz); e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел. +99871 244-63-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «30» 11 кун тарқатилди.  
(2020 йил «30» 11 даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).



**Д.А. Нозилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

**Т.Ш. Маматмусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.д.

**Т.А. Ҳидоятлов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, арх.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё архитектураси амалиётида умумбашарий ва маънавий қадриятларни чамбарчас уйғунлаштириш масалалари ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Бу борада архитектурада суперграфика, яхлит орнаментли фасадлар, фасадда ранг ечими, ёруғлик ва қуёш архитектураси каби янги кўринишдаги тасвирий ва бадиий воситаларини уйғунлаштирувчи омил сифатида қўлланилмоқда. Бундай ёндошув шаҳар бадиий муҳитини тамоман янгича кўринишга айлантириб, архитектуравий-бадиий уйғунлаштиришнинг янги ғоявий-бадиий йўналишини шакллантирмоқда. Ҳозирда тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган марказлар, мажмуалар ва архитектура обидаларини таъмирлаш, археологик қазилмалар жараёнида топилган қадимий архитектура ёдгорликлари ва уларнинг бадиий безакларини ўрганиш зарурати намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсида архитектура тарихи ва назарияси соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда қадимий ёдгорликларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганиш, обидаларнинг умрини узайтириш ва муҳофаза зоналарини ташкил этиш, сайёҳлик маршрутларини тузиш, тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштиришга қаратилган комплекс ёндашув муҳим ҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда тарихий архитектура ёдгорликларининг вужудга келиш ва тараққиёт босқичларини ҳамда архитектура тарихидаги янгича илмий ёндашувларни тадқиқ қилиш, обидаларнинг тарҳий тузилиши ва меъморий безак турларига аниқликлар киритиш, бадиий безакларнинг замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш, меъморий уйғунликдан самарали фойдаланиш каби масалалар долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг замонавий меъморчиликда оммавий индустриал қурилиш давридан мерос бўлиб келган бир хилликни бартараф қилишга, шунингдек “қуёшли архитектура”нинг ижтимоий-эмоционал кучини оширишга қаратилган тасвирий-бадиий воситаларни такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Айниқса, охириги 3-4 йилда мамлакатимизни жадал ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ архитектура ва қурилиш таълими ва илмини янада такомиллаштириш, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги муаммоларни тизимли ҳал этиш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда. “Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади”.<sup>1</sup> Бу борада республикамизнинг турли тарихий-маданий ҳудудларида юз берган меъморчилик анъаналарини аниқлаш, тасвирий ва бадиий безакларнинг анъанавий шаклланиш йўллари, тузилиши, жойлашуви ва ривожланиш тамойилларини ўрганиш, уларнинг назарий асосларини яратиш, шунингдек архитектура объектларининг тарҳий

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 16 январь 2017 й. -Б. 1.

тузилиши, қурилиш материаллари ва конструкцияларини ўрганиш, ёдгорликларнинг ўзига хос композицион услубларини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПҚ-5181-сон «Моддий, маданий ва археологик мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сон «Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Меъморчиликда уйғунлаштиришнинг янги тасвирий технологияларини қўллашга оид тадқиқотлар ёрдамида қуйидаги илмий натижаларга доир илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида, жумладан, Моддий меросни сақлаш ва таъмирлаш илмий тадқиқот маркази, ICCROM (Рим), Япония маданий меросини консервация ва реставрация қилиш илмий маркази (JCICC), Моддий маданий меросни тадқиқ қилиш миллий институти NRICT (Токио), Буюк хитой деворини сақлаш маркази (Пекин), Nardino Restawro таъмирлаш лабораторияси (Италия), Bau Haus ва Potsdam университетлари (Германия), Франциянинг CRA Terre ташкилоти, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги RAMAPO KOLLEGE илмий маркази, Raymond lemaire номидаги миллий марказ (Бельгия), Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш Россия миллий қўмитаси қошидаги UNESCO кафедраси (Москва), «Ўзбек-немис маркази» (Тошкент, ТАҚИ)да халқаро лойиҳалар олиб борилмоқда.

Тарихий-меъморий мерос бўйича маълумотлар тўплаш, уларни сақлаш ва қайта қуриш ишларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: тарихий шаҳарларни сақлаш, қайта қуриш ва улардан самарали фойдаланиш концепцияси яратилган (UNESCO, ICOMOS); маданий мерос рўйхатида олинган тарихий шаҳарларда

---

<sup>2</sup> <http://whc.unesco.org/en.list> конф.1954, Интернет материаллари: <http://www.touruz.narod.ru/khiva>, <http://www.mail.ru/khiva> Рекомендации, одобренная в докладе Комиссии по программе II на её 34-м пленарном заседании 26 ноября 1976 года. IK2017\_нарушения и угрозы\_UZ, Literature, F\_1954.pdf. file:/E:/Conservation filecharter\_ICOMOS Australia\_2013/The-Burra-Charter-2013-Adopted-31.10.2013. pdf.

жойлашган ёдгорликларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш бўйича концепция ишлаб чиқилган (Raymond Lemaire миллий маркази, Бельгия); археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари такомиллаштирилган (NRIC, Токио); деворий суратларнинг меъморчиликда уйғунлаштирилиш қонуниятлари очиқ берилган (CRATerre ташкилоти, Montau University, ASPA), девор тарихий безакларини консервация қилиш технологияси ишлаб чиқилган (Пекин); меъморий ёдгорликларнинг ер остки ва ер устки қисмларида сақланиб қолган бадиий безакларни замонавий усулларда таъмирлаш ва консервация қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган (Nardino Restawro таъмирлаш лабораторияси, Италия); меъморий обидалар мустақамлигини аниқлаш бўйича тадқиқот усуллари такомиллаштирилган (Турин политехника университети ва ТАҚИ, Тошкент).

Дунёда тарихий шаҳарлар тасвирий ва бадиий воситаларини уйғунлаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тарихий шаҳарлар барқарорлигини таъминлашда тарихан шаклланган структурани сақлаб қолиш; қадимий шаҳарларни замонавий транспорт ва муҳандислик инфраструктуралари талабларига мослаштириш механизмларини яратиш; тарихий шаҳарларнинг турли индикаторлари, жумладан жойлашган жойи, пайдо бўлиш вақти, ҳудуди ва режавий ечими бўйича маълумотлар базасини яратиш; маданий мерос ёдгорликлари асосида Буюк Ипак йўли бўйлаб Олтин Ҳалқа сайёҳлик йўналиши инфраструктурасини такомиллаштириш; шаҳарларни қайта қуришда асрлар давомида шаклланган структура қийматини йўқотмаслик ва энг кам ўзгартиришлар киритиш бўйича сифатни таъминлаш; меъморий ёдгорликлар ҳудудининг муҳофаза зонасини тиклашда ягона тизим яратиш; тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиий ва антропоген муҳит бирлигини шаҳарсозликда шакллантириш; архитектурада шаклларнинг уйғунлашув тамойиллари бирлигининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш; замонавий меъморчиликда биоморф, антропоморф, зооморф, фитоморф, шунингдек, шаклларни уйғун яхлитликда қўллаш; тасвирий-бадиий воситаларнинг меъморчиликдаги уйғунлигини ошириш; меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш услубиятини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон шаҳарсозлиги тарихи ва маданиятини тадқиқ этиш бошланганига 100 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида ўлкамиз ҳудудларидаги шаҳарлар тараққиётининг у ёки бу жиҳатларига қаратилган кўплаб тадқиқотлар натижалари мақолалар, монографиялар ҳамда диссертациялар мисолида нашр юзини кўрди.

Ўрта Осиё меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг уйғунлаштириш жараёнини ўрганишда зардуштийларнинг «Авесто», Ибн Ҳавқалнинг «Китоб сурат ал-ард (Ернинг сурати китоби)», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг

«Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абу Тоҳирхожанинг «Самария», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшохий» ва бошқа тарихий асарлар муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари ва у ердаги меъморий ёдгорликлар, аҳоли пунктлари тарихини ўрганиш, олиб борилган қайта тиклаш, ободонлаштириш ишлари бўйича бир неча адабиётлар, мақола ва тадқиқотлар мавжуд.

Бино ва иншоотлар, меъморий шаклларни бадиий уйғунлаштириш ва тарғибот-ташвиқот тасвирий воситаларининг шаҳарсозликдаги синтези соҳасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Изланишларга қараганда, архитектура тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштиришсиз ўз бадиий чўққисига эриша олмайди (Т.Велл, Ф.Мойзер - Германия, Ж.Фрей - Франция, М.Г.Бархин, Н.В.Баранов, И.Г.Лежава, О.Шуази, О.Грабар, В.А.Лавров, Ю.В.Ранинский, В.Е.Архангельский, Г.П.Степанов, А.В.Щусев, А.Буров, В.П.Толстой, Б.П.Михайлов, И.Ш.Шевелёв, В.С.Горюнов, О.А.Швидковский, А.Ю.Якубовский, В.Б.Бесолов, Н.А.Гоголева - Россия). Бу масалаларнинг, айниқса Марказий Осиёда муҳим регионал аҳамиятга эга эканлиги исботланган<sup>3</sup>.

(В.В.Бартольд, М.Е.Массон, Л.Н.Воронин, Б.А.Глауддинов, А.Сабитов - Қозоғистон, С.М.Мамажонова, Р.С.Муқимов - Тожикистон, В.Л.Вяткин, В.И.Шишкин, Ю.С.Яралов, В.М.Фирсанов, А.М.Прибыткова, Л.Ю.Маньковская, М.С.Булатов, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, В.Л.Воронина, А.М.Беленицкий, А.Ю.Якубовский, В.Я.Ставиский, Т.Ш.Ширинов, Э.В.Ртвеладзе, Т.А.Ҳидоятлов, Н.В. Жарский, П.В.Жарский, Ю.Н.Алескеров, А.А.Турдиев, В.А.Спивак – Ўзбекистон). П.Ш.Зоҳидов (1990), М.Қ. Аҳмедов (2015), Ш.Ж.Асқаров (2010), М.А.Юсупова (2007), Д.А.Нозилов (2009), А.С.Уралов (2003, 2005), О.М.Салимов (2009), Н.Т.Султонов, Э.М. Муҳаммадиев (2001), Т.Ф.Қодирова (2007), А.А.Ҳақимов (2003), А.Умаров (1997), Г.И.Бобожонова (1980), Т.М.Маҳмудов (2000), Н.Убайдуллаев (2000), А.Э.Эгамбердиев (1999), Ш.Р.Пидаев (2011), А.Э.Бердимуродов (2000), С.С.Булатов (2017), Т.Ш.Маматмусаев (2019), Ш.З.Нурмухамедова (2019), А.А.Зияев (2019), Б.Ю.Қидирбаев (2019) ва бошқалар ишларида Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари кўриб

<sup>3</sup> Nath R. (History of Mugal Architecture/ NewDelhi-1986-1994), В.Barsch, P.Meuser (Kunst und Architektur aus Zentralasien. Berlin-2004), K.Ritter (Soviet modernism 1955-1991/Unknown History. Zurich-2012), Ф.Мойзер (Сейсмический модернизм. Архитектура и домостроение советского Ташкента (теория и история) Т.-2016), Ф.Мойзер (Эстетика пустоты. Современная архитектура в Центральной Азии. Т.-2002), Я.Гейль (Жизнь среди зданий/М.-2012) ҳамда Е.Bloch «Musulmon Painting», «Miniature Painting», Г.П.Степанов «Взаимодействие искусств», О.Грабар «Формирование исламского искусства» (М.-2016), В.Перфильев «Станковое и монументальное», З.Толстой, Е.С.Пономарёва «Интерьер ва фуқаролик иншоотларининг жиҳозланиши», К.В.Тревер «Согдийский всадник», О.Б.Павлов «Термофосфатная живопись и её художественные возможности», Е.Г.Гринёвич «Исследование вопросов проектирования цвета в интерьерах массовых общественных зданий (в условиях Средней Азии)», И.Ф.Бородина «Интерьер монументальных сооружений Самарканда конца XIV-XV веков», В.М.Соколовский «Монументальная живопись средневекового Шахристана», Лапиров-Скобло М.С. Анализ построения древним зодчим плана Кой-Крылган калы//Этнография и археология Средней Азии. –М.-С.58-65 (1979), Д.И.Киплик, Н.Гнедич, А.И.Тереножкин, В.Г.Долинская, И.О.Галеркина, М.М.Дьяконов, Ф.Турсунов, А.А.Лелеков «Искусство Древней Руси и Восток», Н.Е.Трегуб «Цветовая коррекция в архитектурном формообразовании», Н.Е.Трегуб «Цветопластика графического дизайне в городской рекламе» (Киев-1993), «История монументальной живописи древней и средневековой Средней Азии» Сваричевский Г.М. «Дувал и его применение в среднеазиатском строительстве» каби бир қанча изланишлар бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.



чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган. Бадиий уйғунлаштиришнинг шаҳар муҳитидаги жозибadorлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

Тасвирий санъат тарихи ва назарияси, меъморий меросни ўрганиш сингари муҳим соҳани тадқиқ этишда илмий-амалий натижаларга эришилган<sup>4</sup>. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида уйғунлашган меъморий-бадиий ва шаҳарсозлик муҳитини яратиш, шаҳарлар тарихини ўрганиш ва уларни сақлашнинг давлат даражасида олиб борилиши замонавий архитектурашунослик фанининг ривожланишида муҳим воқеа ҳисобланади<sup>5</sup>. Мусулмон Шарқи меъморчилиги ва шаҳарсозлигида шакл ва образларни уйғунлаштириш муаммоларини ёритишда бир қатор хорижий давлатлар мутахассисларининг илмий изланишларини эътироф этиш лозим<sup>6</sup>.

Республикамиз мустақиллик йилларида меъморчиликнинг маънавий ва эмоционал таъсир кучидан фойдаланишга қаратилган тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш соҳасида илмий анжуманлар ўтказилганлиги муҳим ҳисобланади<sup>7</sup>. Бироқ, ҳозирги кунга қадар шаҳарсозликда тасвирий-бадиий воситаларни уйғунлаштириш муаммоларига бағишланган махсус

---

4 В.Н.Деникенинг «Ўрта Осиё санъати», «Ўрта Осиё меъморий бегаги»; Б.В.Веймарн, С.Г.Хмельницкийнинг «Между Кушанами и Арабами - Архитектура Средней Азии V-VIII вв. (Б.-Р.-2000)», «Конструкция и орнамент. Очерки истории архитектуры Средней Азии» (М.-2013), «Между Саманидами и монголами – архитектура Средней Азии XI-XIII вв.» (Б.-Р.-1997), Л.Ю.Маньковскаянинг «Формообразование и типология зодчества Средней Азии IX-XX века» (Т.-2014), Ш.Ж.Асқаровнинг «Архитектура Темуридов»(Т.-2009), «Архитектура Узбекистана и стран СНГ (Т.-2012)», М.Қ.Аҳмедовнинг «Пути развития средневековых ансамблей Узбекистана» (Т.-2014), Д.А.Нозиловнинг «Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлардаги аҳоли тураржойларида томоша учун бинолар интерьерлари» (Т.-2014), Ш.Р.Пидаевнинг «Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос» (Т.-2011), М.С.Болганованинг «Архитектура Буддийских памятников Средней Азии» (Т.-2011), Ш.З.Нурмухамедованинг «Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода» (Т.-2018), В.А.Лавров, Е.М.Ершова Архитектура дорожных сооружений в русском изобразительном искусстве середины XIX века (М.-2006), Т.Ўразимова «Қорақалпоғистон ҳайкалтарошлигида миллий анъаналар»(Т.-2014), А.А.Зияев «Градостроительная культура и зодчество Ташкента» (Т.-2019) «Градостроительная культура Средней Азии» (М.-1950), Литвинский Б.А., Соловьев В.С. «Средневековая культура Тохаристана» (М.-1985), С.Уралов. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш/Дарслик. С. -2003. –Б.261. Ш.Шоёқубов «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси» (Т.-2006), У.С.Жаббор «Современные проблемы многоэтажного жилища Ташкента (Традиции и новаторства) (Т.-1998)». А.А.Раимқулов. «Жанубий Сўғднинг VIII-XIV асрлар даври тарихий топографияси» (С.-2018).

<sup>5</sup> Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги ва Авестонинг 2700 йиллиги, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Камолитдин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги, Ал-Фарғоний ва Абу Мансур Мотуридий юбилейлари, Амир Темурнинг 670 йиллиги, Марғилоннинг 2000 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган конференциялар.

<sup>6</sup> Б.У.Қуспанғалиев, К.Х. Кассем, Е.С. Пономарёва, А.Тревер, Х.Оучи, П.Лефевр, Ж.Акбар, К.Кайзер, Л.О.Бахтиёр, Г.Ганбарова, М.Абри, Н.Ордалон, С.Валлаш, А.Сабитов, Р.Миаки, Ф.Мойзер, Б.Барч, К.Риттер, К.Хердаг, Н.Г.Нагиев, А.Биллард, Ж.С.Ганиев ва бошқалар.

<sup>7</sup> «Ўзбекистонда қурилиш технологияларининг ривожланиши» мавзусидаги республика илмий амалий анжумани (ТАҚИ-2015), «Шаҳарсозлик, транспорт ва меъморчиликдаги сўнгги ишланмалар» бўйича халқаро конференция (Кейминг университети-СамДАҚИ-2015), «Ёш олимлар» республика илмий-амалий конференцияси (ГерДУ-2016), «Камолитдин Беҳзод ижодининг жаҳон маданиятида туган ўрни: тарих ва замонавийлик» мавзусидаги республика конференцияси (МРДИ-2016), «Архитектура-қурилиш фани ва давр» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани (ТАҚИ-2017), «Ўзбекистон аёлларининг фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасидаги ютуқлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани (Жиззах-2017), «Туризм хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг халқаро илғор тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани (Самарқанд-2018), Архитектура-қурилиш соҳалари ҳамда бадиий таълимда инновациянинг ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси (Тошкент-2019), «Худудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш: назария, амалиёт ва истиқболлар» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция (Самарқанд-2020).

фундаментал тадқиқотлар етарли эмас. Мавжуд тадқиқотларда эса Ўзбекистоннинг мустақиллик даври меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш масалалари комплекс тадқиқот сифатида махсус ўрганилмаган. Уларда келгусида тасвирий-бадиий воситаларни уйғунлаштириш масалалари бўйича таклифлар берилмаганлиги ушбу мавзуни чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ - ОТ.Ф8-46 рақамли (2007-2011) «Ўрта асрлар меъморчилигидаги анъанавий «Хатаба» усулини тадқиқ этиш ва таъмирчиликда қўллаш назариясини ишлаб чиқиш»; ДИТД 16-017 рақамли (2009-2011) «Анъанавий иморатсозликнинг рақобатбардош меъморий-конструктив усулларини тадқиқ этиш ва уларнинг меъёрий маълумотлар банкани яратиш» тадқиқоти; Ф.1-86 рақамли (2012-2016) «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш»; ИОТ-2016-2-7 рақамли “Бухоро шаҳридаги “Чор-бакр” мажмуасини таъмирлашда “Хатаба” номли самарали усулни тадқиқ қилиш” (2016-2017) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни меъморий-ҳажмий муҳит ва шаҳар муҳити билан ўзаро уйғунлаштиришнинг анъанавий йўллари аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўрта Осиё меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш генезисини ўрганиш;

Ўзбекистон анъанавий меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситалардан фойдаланиш йўллари аниқлаш;

шаҳар муҳитини лойиҳалашда бадиий воситаларни босқичма босқич жойлаштириш механизминини очиб бериш;

меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

шаҳар муҳитида тасвирий ва бадиий воситаларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф бериш;

шаҳарсозлик ва архитектурада тарғибот-ташвиқотнинг тасвирий ва бадиий воситаларини уйғунлаштириш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон археологик объектлари, шаҳар таркибий қисмлари – жамоат бинолари суперграфикаси, ҳайкалтарошлик монументлари, реклама қурилмалари ва рамзий дарвозалари белгиланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тасвирий ва бадиий воситаларни алоҳида бино меъморчилиги ва шаҳар муҳити билан уйғунлаштиришнинг анъанавий, замонавий ва истиқболдаги йўллари аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мавзуни ёритишда, қиёсий ва графоаналитик таҳлил, анкета-сўровнома, статистик-хронологик, манбаларга асосланиш, архив

ва археологик материалларнинг илмий-қиёсий тадқиқоти, тарихийлик ва тизимли ёндашув усуллари қўлланилган ҳамда мавзуни ёритиш жараёнида умум қабул қилинган илмий тадқиқот тамойилларига риоя қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни қўллаш палеолит даврида - ғор ва қоятош юзаларида қоятош суратлари, антик ва илк ўрта аср деворий рангтасвири, ўрта асрлар қўлёзма миниатюраси, меъморий-эпиграфик орнаментлар, турли замонавий бадиий воситалар каби сюжетли композициялар тузиш орқали юзага келганлиги аниқланган;

антик даврда ҳукмдорлар кудратининг таъсирчанлиги тасвирий тимсоллар воситасида кучайтирилганлиги исботланган;

илк ўрта асрларда замон мафқураси Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Кофирқалъа каби саройларда тасвирий-бадиий воситалари орқали акс эттирилганлиги асослаб берилган;

ўрта асрларда маъмурий-ижтимоий характердаги бинолар архитектураси монументаллаштирилганлиги, ички ва ташқи безаклар эса оммага таъсир этувчи эпиграфик ёзувлар ва нақшлар билан уйғунлаштирилганлиги аниқланган;

XX асрда меъморчилигидаги деворий суратларнинг композицияси ва мавзусини танлаш, уларни девор сатҳига жойлаштириш, ҳар бир экстерьер ва интерьер безакларининг эстетик моҳиятини очиқ беришга қаратилганлиги исботланган;

аҳоли пунктларининг бош майдонлари ва маҳобатли иншоотларида мустақиллик мафқурасини ифодаловчи монументал ҳайкалтарошлик, кичик меъморий шакллар, тарғибот-ташвиқот тасвирий воситалари, рамзий дарвозалар, деворий безаклар каби атрибут ва рамзларнинг тасвирий ва бадиий воситалар билан уйғунлаштирилганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни қўллаш генезиси очиқ берилган;

меъморчилик амалиётида тасвирий ва бадиий воситаларни архитектуравий композициялар билан уйғунлаштириш тизими ишлаб чиқилган;

меъморий ва шаҳар муҳитида тасвирий-бадиий воситаларни босқичма босқич (республика, вилоят, шаҳар, алоҳида бино миқёсида) жойлаштириш таклифлари асослаб берилган;

бадиий безаш учун зарур бўлган шаҳарлар классификацияга ажратилиб, уларнинг композициявий хусусиятлари, моделлари ва параметризацияси аниқланган;

мустақиллик мафқураси ва ғояларини меъморчилик амалиётига тадбиқ этиш бадиий усуллари такомиллаштирилган;

илк ўрта асрлар даврига мансуб шаҳар объектларининг график реконструкция вариантлари ишлаб чиқилган;

тасвирий-бадиий воситаларни меъморчилик ва шаҳарсозликда қўллашда уларнинг жойлаштириш ўрни, таркиби, сиғими, мавзуси, композицион асослари,

турларини белгилаб беришга қаратилган мавжуд шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ) га таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Замонавий меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш бўйича анкета сўрови таҳлили ўтказилиб, иловага киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда архитектура тарихи фанида тан олинган илмий ёндошув ва усуллар асосида бирламчи моддий маданият манбаларига бағишланган адабиётлардан фойдаланилганлиги, архив манбаларига эътибор берилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг илмийлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** меъморчилик тарихи соҳасида билимларни бойитиш ва ўқув жараёни материалларини, жумладан «Санъат ва маданият тарихи», «Ўзбекистон санъати тарихи» каби йўналишларда ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, моддий маданиятни ёритишда, олий ўқув юртлари ҳамда мутахассислар учун малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этиш учун фойдаланишда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биноларни жойлаштириш ва аҳоли пунктларида тасвирий-бадиий воситаларни уйғунлаштириш, республика, вилоят, шаҳар, алоҳида бино миқёсида рамзий белгилар ва бадиий воситалар элементларини қўллаш, бино ва иншоотлар ташқи ва ички қисмида, тарғибот-ташвиқот воситаларини меъморий лойиҳалашда, деворий суратларни бажариш амалиётида қайта қуриш ва модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳа ечимларининг сифатини оширишга ва ҳудудларнинг замонавий интерпретациялашув жараёнларини такомиллаштиришга, фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий савиясини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш йўллари (анъанавийлик ва замонавийлик) мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон халқларининг илк ўрта асрлар меъморий-бадиий маданиятини сақлашга доир «Ўзбекистоннинг қадимдан бугунги кунгача тарихи» мавзуидаги экспозиция композициясини шакллантириш юзасидан Афросиёб шаҳри ҳукмдори Вархуман саройидан топилган деворий рангли суратлари илмий реконструкцияси ЎзР ФА Археология институтида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 3/1255-2463-сон ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5022-сон маълумотномалари). Натижа илк ўрта асрлар меъморчилигида деворий рангтасвири қўллаш композицияси орқали меъморий-бадиий уйғунликка эришиш имконини берган.

тасвирий ва амалий безак санъатини меъморчиликда қўллашнинг ғоявий, назарий ва амалий асослари бўйича олинган натижалар Ф.1-86 рақамли «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини

ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳанинг “Меъморий безакларнинг тадрижий тараққиёти” бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5022-сон маълумотномаси). Натижа бино интерьерида тасвирий ва амалий безак санъати намуналарини экспозициялар воситасида қўллашнинг ғоявий, назарий ва амалий асосларини уйғунлаштириш имкониятини яратган.

тарихий меъморий объектлар интерьерларида қўлланилган тасвирий ва бадий воситаларни графоаналитик усулда таққослаш орқали анъанавий ва замонавий деворий рангтасвир билан безатиш юзасидан ишлаб чиқилган илмий лойиҳа-таклифи Самарқанд вилояти Қурилиш бош бошқармаси амалиётига жорий этилган (Самарқанд вилояти Қурилиш бош бошқармасининг 2020 йил 28 февралдаги 17-сон далолатномаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5022-сон маълумотномаси). Натижа Самарқанд шаҳри меъморчилигида маҳобатли санъат турларининг қадимдан вужудга келганлиги ва тараққий этганлиги хусусида аниқ хулосалар чиқариш имконини берган.

**Тадқиқотнинг апробацияси.** Диссертация натижалари 50 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, жумладан, 15 та халқаро конференция, 35 та республика конференцияларида апробациядан ўтказилган. Шунингдек, илмий иш Археология институтида (2015), СамДАҚИ кенгайтирилган илмий семинарида (2019), Тошкент архитектура-қурилиш институтининг «Архитектура тарихи ва назарияси» кафедраси ва илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокамадан ўтказилган (2020).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 111 та илмий, жумладан 1та монография, 2та китоб-альбом, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 39 та мақола, жумладан, 10 та хорижий ва 26 та республика журналларида, 69 та тезислар (улардан 45 та республика, 24 та хорижий илмий-амалий анжуман тўпламларида) нашр этилган<sup>8</sup>. Ундан ташқари, амалиётга жорий этиш бўйича 2та Муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, атамаларнинг изоҳли луғатидан иборат бўлиб, асосий матн 242 бетни ташкил этади.

---

<sup>8</sup>Халқаро конференция, илмий журнал ва илмий мақола тўпламларида (2005-2020): Бишкек-2005, Чимкент-2008, Самарқанд-2005, 2006, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016, 2017, 2018, 2019; Санкт-Петербург-2008, 2013, 2014; Тошкент-2009, 2010, 2011, 2018, 2019, 2020; Уфа-2013, Қозон-2013, 2015, 2018, 2020; Алмати-2013, Вена-2014, Москва-2015, 2019, Париж/Ҳиндистон-2015, Ҳиндистон-2019, Лулу -2016, Хива-2016, Белгород-2016, 2017, Волгоград-2017, Курск-2017, Жиззах-2017, Термез-2016, 2020, Гжель-2017, Переяслав-Хмельницкий-2018, Индонезия-2020.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Ундан ташқари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Меъморчилик ва табиатнинг уйғун мутаносиблиги сифатида уйғунлик – теран категория сифатида меъморий муҳитнинг эстетик комиллик сифати бўлиб келган. Уйғунлик – ҳайратланарли ихчам тушунча. Антик афсоналарда гўзаллик худосининг кизи *Гармония* ҳақидаги қасида бор. Ушбу юксак образ асрлар оша меъморчилик ва санъатда барча мукамалликлар рамзига айланди. Зеро Платон, “Уйғунликсиз ҳеч қандай гўзаллик йўқдир”, деб таъкидлаган эди<sup>9</sup>. Ўзбекистон Ўрта Осиё меъморчилигида уйғунлик каноини эр.ав. 2 минг йиллик ўрталаридан то ҳозиргача қўллаб келишади. Яхлитлик ва уйғунлик ҳар қандай композициянинг муҳим сифат белгиси бўлиши билан бирга, унинг воқелигини таъминловчи зарур шарт ҳамдир.

Меъморий композициядаги яхлитлик ёки унинг уйғунлик қонуни нафақат шаҳарсозлик ва меъморчиликда, балки амалий санъатда, рангтасвирда, ҳайкалтарошликда ҳам бирдек мавжуддир. Шарқнинг қомусий олими Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий уйғунлик хусусида махсус асар ёзиб, уни “Уйғунлик ҳақидаги катта китоб” деб номлаган. Шундай қилиб, табиий уйғунликдаги каби сунъий уйғунлаштиришда ҳам бешта тамойил доимо ўзгармасдир: - яхлитлик; - мутаносиблик; - симметрия; - ритм; - асосий шакл етакчилиги<sup>10</sup>.

Мазкур бобда дастлабки тасвирий ва бадий воситаларнинг вужудга келиш ибтидоси, унинг тараққиёт йўллари, Ўзбекистон деворий рангтасвирининг палеолит даврдан то илк ўрта асрларгача бўлган даври ўрганилиб, тасвирий воситаларнинг илк келиб чиқиш тарихи - мезолит давридаги Зараутсой ғори рангли суратлари ва қоя суратларидан бошланиши таъкидланган. Юқорида айтиб ўтилган рангли ва ўйма тасвирлар тасодифий эмас, чунки дастлаб ибтидоий одамларнинг ғорларни беаган тасвирлари эндиликда мухташам қасрларга кўчган. Бу каби сюжетли тасвирларни Орлот пластиналарида ҳам яққол кўриш мумкин. Тасвирий санъат турли воситаларининг ўз йўналишини интерьерда топиши, меъморчиликдаги қонуниятларга бўйсунishi, ўзаро ёнма-ён тараққий этган санъат (ҳайкалтарошлик ва амалий санъат) билан яқунланган бу давр илк ўрта асрлар одамининг доимий ҳамроҳи бўлиб келган масканлар (турар-жой, қабулхона, корхона, ибодатхона) ички ва ташқи бадий безакларида қўлланилган. Қандай ёндошишдан қатъий назар, иморат ўзининг асосий тузилиши бўлган тўрт деворлигича қолиб, фақат бир оз такомиллашади, катта-кичиклигига қараб ажратилади. Ҳар бир авлод ўз эзгу туйғуларини уйининг

<sup>9</sup> Зоҳидов П.Ш. Меъморчиликда уйғунлик қонуни. Ф.д.дисс. автореферати. Боку -1990. -С 4.

<sup>10</sup> Уролов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш // Дарслик. Самарқанд 2003.–Б. 140.

интерьеры ва экстерьерлари мухитида, бадий буюм безакларида ифодаляди, ундаги нақшу нигорларга янгича мазмун беради<sup>11</sup>. Қадимий меъморчиликка назар ташланар экан, уларнинг композициявий жиҳатдан ўзига хослигига гувоҳ бўлиб, бир сония бўлса ҳам ўша мухитда бўлиш истаги туғиладики, тадқиқотчиларнинг бундай интерьерлар график реконструкциясини ишлаганларини кузатиш мумкин<sup>12</sup>. Антик давр шаҳарсозлиги масалалари бўйича турли йилларда кўплаб олимлар тадқиқот ишлари олиб борган<sup>13</sup>. Шаҳарларнинг аксарияти дастлаб қароргоҳлар ва манзилгоҳлар бўлган. Айримлари ибодатхоналар олдида, шунингдек қалъа ёки ўрда сифатида шаклланган. Илк шаҳарларда хунармандчилик қарор топган бўлиб, кейинчалик савдонинг ривожланиши натижасида савдо шаҳарлари вужудга келган. V-VI асрлар охирларида кўплаб янги қалъа-шаҳарлар бунёд этилдики, уларнинг интерьерлари ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги ва деворий суратлар билан зийнатланган. Шимолий Бактриядаги бу анъаналар Болаликтепа, Жумалактепа, Далварзинтепа, Хоразмда Тупроққалъа каби кўплаб ёдгорликлар харобаларида учрайди. “Меҳмонхона деворларига тўлдириб расм ишланган, рассомлар томонидан ҳар ер - ҳар еридан эшиклар билан бўлиниб турувчи яхлит манзара яратилган, дейиш мумкин бўлади. Тантанали маросимларга мўлжалланган бундай улуғвор хоналар дераза-дарчалардан холи бўлиб, ёруғлик фақат юқоридан тушиб турган”<sup>14</sup>.

Эрамиздан аввалги IV ва эрамизнинг VII асрларида тасвирий санъатнинг маънавий-ғоявий вазифаси кучая борди. Бу Кушон, Бактрия, Хоразм, Сўғд маданияти намуналарида акс этган. Бироқ, санъатнинг мақсадга йўналтирилган мустаҳкам ғоявий вазифаси Амир Темур даврида кенгрок амалга оширилди: Шаҳрисабз Оксаройидаги «Қудратимизга шубҳанг бўлса, биз курдирган иморатларга боқ!», Бибихоним Жоме масжиди гумбазидаги «Бу дунё ўткинчидир, уни эзгу ишларга бағишланг», Бухородаги Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоғидаги «Ҳар бир мусулмон ва муслима учун илм олиш фарздир» маҳобатли эпиграфик ёзувларида акс этган.

Вақт ўтиши билан санъатдаги ғоявий вазифа давлат қурилиши ва бошқарувининг муҳим асосига, маънавий базасига айланди. Маҳобатли

<sup>11</sup> Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. Тошкент. - 2005, - Б. 216.

<sup>12</sup> Воронина В.Л., Нильсен В.А., Г.А. Пугаченкова ҳамда Д.А.Нозиловлар ижодида, Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Узбекистана / Монография. -Самарканд-1993..

<sup>13</sup> Tarn W.W. The greeks in Baktria and India. -Camburge: 1938. - P. 243; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII века до н.э. – VII в. н.э. - Т. БИ. 2000. -С. 602; Сайко Э.В. Становление города как производственного центра. – Душанбе: 1983. -С. 214; Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции. - Душанбе: 1982. -С. 190; Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. - Азимов И.М. К изучению строительной культуры средневекового Казахстана/ Изучение культурного наследия Востока. Материалы межд. конф. С.-П., 1999. - С.64. Сталинабад: 1967. -С. 220; Ртвеладзе Э.В. О численности населения кушанских населённых пунктов Северной Бактрии // Сборник науч. тр. -Ашхабад: 1978. -С. 107-114; Исамиддинов М.Х. История городской культуры Самаркандского Согда. -Т.: 2002. -С. 230. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. - Т.: 1982. -С.160. Эшов Б.Ж. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. -Т.: Зарқалам. 2004. - 163-б. Po'latov X.SH. Shaharsozlik tarixi. O'quv qo'llanma. – Т.: 2008. – С. 6., Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т.: 2014, Мухаммад ан-Наршахий. Тарихи Бухара. История Бухары. Перевод, комментарий и примечания Ш.С.Камолиддин, Е.Г.Некрасова. SMI-ASIA, MultiMedia-ASIA, 2011 г. – С. 22-23. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-нач. XI вв. -Т., 2007. Рахимов К.Д. Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари. –Т., 2017.

<sup>14</sup> Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии V-VIII века. Тошкент: 1966, - С. 55.

рангтасвирнинг бирламчи вазифаси бадийлик бўлса, унинг сюжети воситасида тарих ва миллий маданиятни акс эттириб, ғоявий ва мафкуравий масалаларни ечиш мумкин. Масалан, Афросиёб ҳокими Вархуманнинг саройидаги суратлар давлат қудратини, унинг халқаро алоқаларини ва салтанат маънавиятини акс эттирувчи деворий суратлари бўлган. Амир Темур солномасининг тарихчи-шоҳидларидан бири бўлган Ибн Арабшоҳнинг маълум қилишича, унинг саройлари деворида, зиёфатлар тасвири, ҳукмдорнинг ўғиллари ва неваралари, саркардалар портрети, меҳмонларни қабул қилиши жараёни ва унинг душман устидан ғалабаси тасвирланган. Бундан кўзланган мақсад, унинг ғалабаларини кўрмаганлар уни деворий тасвирда ўз кўзи билан кўриб ва беихтиёр унинг иштирокчисига айлана олар эди<sup>15</sup>.

Афросиёбнинг дастлабки ҳимоя деворлари катта ўлчамдаги (42x42x42x12, 45x45x45x14см) ясси-дўмбоқ лой ғиштлардан терилган бўлса, кейинги қатламлари кичикроқ (36x36x36x12см) тўртбурчак шаклдаги стандарт ғиштлар Эрон аҳмонийлар таъсирида Сўғда яратилган шарқ анъанавий ғиштларидир<sup>16</sup>. Ўзбекистон деворий рангтасвирининг кейинги босқичи илк ўрта асрларнинг бир қатор археологик ёдгорликлари - Варахша, Панжакент, Афросиёб, Болаликтепа, Кофирқалъа, Зартепа саройлари деворий суратлари билан боғлиқдир. Илк ўрта асрларда аслзодалар уй ва саройларининг ташқи ва ички деворларини турли тасвирий-бадий воситалар билан безатиш кенг русм бўлган. Бу объектлардаги деворий расм ранглари уйғунлиги, асар мазмуни, композициянинг тугаллиги ва уларнинг фазовий қонуниятлари қиёсий таҳлил этилган.

Ислом даврида диний ақидаларга қарамасдан мадрасалар, саройлар, мақбаралар ички деворлари, шифт-гумбазлари ўсимлик нақшлари, табиат ва жонзот тасвирлари билан безатилганлиги ўта муҳимдир. Меъмор ва рассомлар масжид-мадрасаларнинг сирли кошин ва парчинли, терракотали нақшлар билан безатилган ички ва ташқи кўриниши меҳроби, эшиклари, устунлари, пойустун, шифт ва минораларга алоҳида ранглар ечимида ёндошиб безатишган. Масалан, меҳроб ўзининг кўркама ёзув беаги билан ибодатчи дилида ислом динига нисбатан ҳурмат, ишонч уйғотган. Бу йўсиндаги ажойиб меҳроблар исломгача бўлган даврларда ҳам мавжуд бўлган.

Исломда инсон тасвири қисман ман этилганлиги сабабли, XIV асрдан бошлаб, интерьерлар эпиграфик монументал нақш билан безатила бошланди. Девор юзасига деворий рангтасвир ўрнига ўсимликсимон ва ҳандасавий шакллар турли рангларда ишланди. Безак композициясининг кўп қисмини зарҳал юритилган нақшлар эгаллаган. XVI асрга келиб, Ўрта Осиёда тирик жонзотлар акс эттирилган рангтасвирларнинг ҳар қандай тури таъқиқ остига олингач, унинг қўлланилиши мумкин бўлган ягона соҳаси - китоб миниатюраси бўлиб қолди.

<sup>15</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. «История Узбекистана (с древнейших времён до середины девятнадцатого века)». М.: Искусство, 1965, С. 285. Ссылка на: Ibn Arabshah. Tamerlan or Timur the Great Amir. -Transl. by J.H. Sanders, London, 1936. P. 309-310.

<sup>16</sup> Исомиддинов М., Рапен К. О культурной преемственности в Согде в эпоху раннего железа (по данным строительной традиции). Изучение культурного наследия Востока/ Материалы межд. конф. Санкт-Петербург-1999. – С. 75.



Оқибатда, меъморчиликда деворий монументал тасвирлар ўрнини орнаментал безаклар, айниқса эпиграфик нақшлар эгаллай бошлаган.

Ёзувий (хушхат) гуруҳга биноларнинг ташқи ва ички қисмларида нақш тарзида қўлланиладиган эпиграфик безаклар киради<sup>17</sup>. Ушбу турдаги нақшлар Ўрта Осиё меъморчилигида асосан X-XI асрлардан бошлаб кенг тарқалган. Улар одатда иморат ташқи қисми - пештоқи қаносига, алоҳида китобаларга, гумбаз устивонига, дарвоза ва эшиклар юзаларига, иморат ички қисми – эшик, тобадон, деворда китоба шаклида ва шифт шарафаси, меҳроб, устунлар ҳамда қабртошларда қўлланилган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент уйларининг меҳмонхона интерьерларида сақланиб қолган ёзувларнинг идиш-товоклардаги байтларга ўхшашлиги, балки IX-X асрлардаги бу каби байтлар дастлаб амалий санъат (коса, лаган, пиёла) буюмларида қўлланилиб, сўнг деворга ҳам кўчиб ўтган, деган тахминни келтириб чиқаради. Бинолар тархи асосан тўғри тўртбурчак, квадрат шаклга эга бўлган. Ўрта Осиё экстерьерлари мозаикаларида услублаштирилган гулли мотивлар устун бўлиб, кўпгина ҳолларда тўқ кўк заминда, кўп рангли тантанали нақшлар қўлланилган.

Амир Темур даврида шаклланган пештоқ ва анфилада тарзидаги гумбазли хоналар композицияси Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Ҳирот ва Туркистон шаҳарларида кенг қўлланилган. Бу даврда 50 дан ортиқ гумбаз турлари қўлланилган, масалан: туркистоний, балхий, мирзойи, чортарх ва ҳоказолар қўлланилган. Бинолар пардозиди – парчин, кошин, кошинбуруш, кундал, қирма, ганч ўймакорлиги, оддий ва чархланган ғиштни турлича ҳолатда териш усуллари - тош, мармар, сопол, ёғоч каби ашёлардан фойдаланилган<sup>18,19</sup>.

Амир Темур ва темурийлар даври маҳобатли иморатларида мазкур “кундал” нақш тури қўлланилиб бошланган. Г.А.Пугаченкова ҳам бу нақш услубини Ишратхонада кўриб, уни Ўрта Осиёда илк бор XV асрда амалга оширилган, деган фикрга келган. Чунки бу нақш Темур даврида унинг Дилкушо кўшикида ўта маҳорат билан қўлланилган эди. Кундал Самарқанд обидалари ичида нафақат Ишратхонада, балки Гўри-Амир мақбараси, Бибихоним масжидида, Оқсарой кўшики ва Тиллакори мадрасасини безашда ҳам қўлланилган. Айни мана шу даврлар мобайнида маҳобатли санъат янги илмий-амалий ёндошувни талаб қилди. Ўзбекистон ҳудудида мана шу даврдан буён мазкур соҳада мутахассислар кўплаб тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Маълумки, биноларни безак санъати фазовий санъат турларидан бўлиб, у архитектура билан боғлиқликда инсон атрофидаги моддий муҳитни шакллантиради, унга эстетик ғоявийлик ва образлилик бағишлайди. Меъморий иншоотлар ва боғ-паркларни безатишга хизмат қиладиган (монументал безак санъати), жамоатчилик ва айрим шахслар эҳтиёжлари учун бадиий буюмлар тайёрлайдиган (амалий безак санъати), байрам ва томоша манзараларини,

<sup>17</sup> Бобожонов Б. Шоҳи зинда меъморий мажмуаси битиклари (матнлар, таржималар) Самарқанд 2015. -Б.80.

<sup>18</sup> Хмельницкий С.Г. Конструкция и орнамент. Очерки истории архитектуры Ср. Азии. М-2013. -С.126., Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар). –НМИУ: 2010. – 164 б.

<sup>19</sup> В.М.Фирсанов. Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата/Учебник для студентов. “Высшая школа”. М.: 1982. –С.38-39.

экспозициялар ва шу кабилар бадий безак турларига бўлинади. Шу жумладан, В.Л.Воронина изланишларида биноларни композицион таҳлил қилиш асносида ўзбек биноларини “лирик, юмшоқ, уйғун” каби сўзлар билан таърифлайди. У “мусулмон меъморчилиги” тушунчасини рад этиб, ташқи жиҳатдан нисбат бериладиган масжид, мадраса, мақбараларнинг шакллари Ўрта Осиёда қадимдан мавжудлигини, бу диний биноларни қуришда тасвирий ва бадий воситалардан меърида фойдаланишда, асосан геометрик нақшлар, эпиграфикани қўлланилишини, қадимдан мавжуд бўлганлигини айтади. [60, 258 бет].

Бундан ташқари, В.Л.Воронина исломгача бўлган рамзларда илдизи қадимий даврларга бориб тақалувчи ва тегишли ўзига хос “белгилар тизими” мавжудлигини таъкидлади<sup>20</sup>. Шундай қилиб, Ўрта Осиё XI-XV асрларда шакллар уйғунлигининг ёрқин намуналари юзага келди. Меъмор ва рассомлар ўзига хос меъморлик ва маҳобатли санъат уйғунлигини яратишган. Булар Ўрта Осиё ва ёндош Шарқ худудлари қўллайдиган тасвирий-бадий воситаларни уйғунлаштириш услубиятининг умумийлигини тасдиқлайди. Аммо якуний натижаси бўйича меъморчиликнинг услубий, бадий-образлигида моҳиятан фарқ борлигини кўрсатади<sup>21</sup>.

Ўрта Осиё меъморчилигида XIV-XV асрларда ТС ва наққошликнинг бир неча йўналишлари вужудга келди. Бу даврда аввалги мўғуллар истилоси давригача орттирилган тажрибалар (гириҳ, ислимий, мадохил, гулғунча безаклари) янада ривожлантирилди. Ташқи меъморий пардозларнинг Мовароуннаҳрдаги янги турлари: сирланиб пиширилган лой ўймакорлиги, сирланган рангли кесма кошин (мозаика), яхлит чизиб ишланган рангли сиркор сопол нақшлар (майолика) пайдо бўлади<sup>22</sup>.

Ёғоч ва тош ўймакорлигининг бадий асослари, нақшлар ва девор ёзувлари, энг аввало архитектура қонунлари табиати, уларнинг суръати ва кўламини акс эттирган. Шундай қилиб, гармония ғоялари, пропорционалик, ўлчамнинг мослиги, меъморчиликнинг вазминлиги ва уларнинг безаклари нафақат бутун дунё бўйлаб қуриш билан, балки кўпроқ аниқ фанлар - математика, геометрия, астрономия, механика, мусиқа, тиббиёт билан боғлиқ бўлган. Умуман олганда, ўрта аср бадий безакларининг мусулмонлар эстетикаси кўпроқ бутун дунё олимларининг эътиборини тортади.

XVI асрга келиб, Марказий Осиёда тирик жонзотлар акс эттирилган рангтасвирларнинг ҳар қандай тури таъқиқ остига олингач, унинг қўлланилиши мумкин бўлган ягона соҳаси - китоб миниатюраси бўлиб қолди. Оқибатда, меъморчиликда деворий монументал тасвирлар ўрнини орнаментал безаклар,

---

<sup>20</sup> У безакларни мазмунига (ўсимлик, геометрик, ҳайвонлар, меъморий) ва вазифасига, яъни бинодаги безак ҳолатига кўра (намоён, полотно, токча, тасмали нақшлар) каби 2 асосий йўналишда тақсимлаган. У меъморчилик иншоотининг барча қисмлари “ягона организм”ни ташкил этади, деб ҳисоблайди. Хусусан, Ўрта Осиё меъморчилигидаги тектоника, эстетика, комбинаторика ва ёруғлик-соя муаммолари кабилар билан боғлиқ меъморий композиция масалаларини ечиш орқали, ўрта асрлар ёдгорликларининг бадий ифодавийлиги сирларини тушунтирган.

<sup>21</sup> Зоҳидов П.Ш. Канон гармонии в архитектуре/ автореф. док. архит. Баку-1990, - С. 22.

<sup>22</sup> Арчасимон тури Ўрта Осиё меъморчилигининг 14-17 асрларидаги эпиграфик тури бўлиб, ривож топиб полихромик кўринишга келди. Яъни доимий равишда куйма (сирли ғишт, терма кошинли мозаика) кўринишда қўлланилиши бўртма арчалар билан безакдан воз кечилишига олиб келди.

айниқса эпиграфик нақшлар эгаллай бошлаган. Бунда бадий ғиштли безаклардан ташқари, меъморчиликда “П” шаклидаги пештоқ тури кенг тарқалди. Масжидлар таркибида композицион қисм сифатида минора қуриш санъати шаклланди. Айниқса, минораларга шаклли ғиштлардан терилган ритмик нақшлар дастлаб *монохромик* (бир ранглик), кейинроқ *полихромик* (кўпранглик) шаклга ўтган<sup>23</sup>.

Диссертациянинг 2-боби «**Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадий воситалардан фойдаланиш анъаналари (VII-XX аср боши)**» деб номланиб, унда кечки ўрта асрлар - XVI-XX аср боши, Хонлиқлар даври деворий рангтасвирининг меъморчиликдаги узвий ривожланиш босқичлари (уч босқичда архаик давридан то ўрта асрларгача тўлиқ ўрганиб чиқилган), бадий-меъморий муҳитда орнаментларнинг мутаносиблиги, тасвирий ва амалий-безак санъатини меъморчиликда қўллашнинг ғоявий, назарий ва амалий асослари ёритилган.

Хонлиқлар даврида шаҳарлар ривожланиб, масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, карвонсарой, шифоҳона ва бошқа типдаги бинолар бунёд этилади. Бухоро амирлиги, 1557-1598 йилларда Абдуллахон II Бухоро атрофида Шайбонийлар сулоласини мустаҳкамлайди. Шу тариқа Бухоро Сомонийлар (IX-X асрлар) ва Қорахонийлар (X-XI асрлар) дан кейинги юксалишни бошидан кечиради. Бу давр шаҳарсозлигида мажмуасозлик ғоялари етакчи ўринга чиқади. XVI аср охиридан то XIX асрнинг 1-ярмигача Бухоронинг 10 км атрофидаги шаҳар девори бўлиб, у хом ғишт ва пахсадан қурилган эди. Дарвозалар эса пишиқ ғиштдан ишланган<sup>24</sup>.

Хива ва Қўқон хонлигида, айниқса Фарғона водийдаги архитектура ёдгорлиқлар - Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси, "Дахмаи шохон", "Жомий мачити" ва бошқа кўплаб мадраса ва мачитлар. XIX асрда бошқа жойда Худоёрхон ўрдасидек бундай улкан бино қурилмаган. Наманган ва Марғилонда ҳам диккатга сазовор архитектура ёдгорлиқлар анчагина...

Ўрта Осиё деворий сураткашлиги анъаналари ўрта асрларда ҳам йўқолиб кетмаган. Бу даврга келиб, тасвирий санъат икки йўналишда ривожланди: саройлар интерьерларида ва қўлёзма китоб миниатюрачилигида. Самарқанд мусаввирлари бинолар тасвирларининг фақат вертикал ва горизонтал жиҳатларига урғу бериб, ҳамма нарсани текисликлар орқали симметрик тарзда акс эттирганлар. Бундан хулоса қилинадики, маҳобатли рангтасвирининг иконографик, бадий-ғоявий ва колористик асослари шарқ санъат мактабининг анъаналари билан боғлиқ тарзда ривожланиб келмоқда. «Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, «миллий анъаналар»ни сақлаш йўли бошқа жойда. Гумбазлар ва арабий нақшлар, безаклар шакл мувофиқлигини яратмайди. У – фазо ва вазннинг ҳажмий ечими ҳамда устунли-тўсинли конструкцияда, кўхна усталарнинг муҳандислик фикри мантиқида – иморатлар кўркамлиги ва яхлитликнинг уйғунлашганлигидадир»<sup>25</sup>.

<sup>23</sup> Шуази О. История архитектуры. Москва-1907. Том 2.-С.28.

<sup>24</sup> Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. – М.: 1950. – С. 104.

<sup>25</sup> Ремпель Л.И. Сущность новой архитектуры / Строительство и архитектура Узбекистана. №3 Т.: 1972. – С. 29.

Ибн Арабшоҳ “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” асарида куйидагиларни битган: Темур Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустақкам қасрлар бунёд этди. ...Шунингдек, баъзи жойларни буздириб, у бўстонлардан ҳар бири ичида бир қаср қурдирди. Қасрларнинг ҳар бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли шаклларда: бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўзи қилган жанглар тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларини: подшоҳлар, амирлар, саййидлар, уламолар ва улуғлар билан суҳбат қурган мажлисларини;

Бундан мақсади: ўзининг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди. Булар ўша пайтларда Қуръони Карим инсонни, жониворларни ва паррандаларни тасвирлашни тақиқланмаганлигидан далолат беради. Меъморий нақшинкорликнинг замонавий ҳолатига эътибор берилса, унинг бугунги кунда ҳам кенг ривож топиб, ўзига хос замонавий йўналишлардаги бардавомлигини кўриш мумкин. Шундай экан, меъморий нақшларнинг қўлланилишидаги уйғунлик қонуниятларини ўрганиш долзарбдир. Марказий Осиё меъморий нақшларини фасадда қўлланилиш масалаларини турли олимлар тадқиқ қилишган<sup>26,27</sup>.

Зооморф кошинли безаклари эса кўпинча жамоат бинолари пештоқларининг қаносларида учрайди. Масалан, Самарқанддаги Шердор ҳамда Нодир Девонбеги мадрасаси, Бухородаги куш тасвирли Нодир Девонбеги ҳамда Абдулазизхон мадрасалари (XVII аср) да афсонавий ва реал жониворлар – семурғ, аждар, кийик, йўлбарс, боши одамга айланиб кетган шер ва оху тасвирлари бор.

Амир Темур даврида қурилиш жараёнининг жадаллашиб кетиши самараси ўлароқ, янгича услуб ички гумбазнинг катта бўш ётган ҳажмини бадий безак билан тўлдириши лозим эди. Бу даврда кундал техникаси айниқса янги йўналиш бўлди. *Кундал* – бино ичига ишланадиган, тилло суви юргизилган рельеф, у архитектура интерьер безагига анъанавий бадий каштачиликдан кўчиб ўтган. Зарурий нақшли рельефни кундал учун уста наққош аввал деворда қизил кесак лойини бир неча марта суртиб, бўртма шакл тайёрланган.

Хонликлар даврига келиб, меъморий ёдгорликлар полихромиясида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Самарқанд нақшларида оч сариқ, Бухоро нақшларида оч яшил ранглари етакчилик қила бошлади (16 аср). Бунда айниқса бадий гумбаз конструкцияси кенг ривожланди. Аммо XVII асрда ўзаро хонликлар зиддиятлари ҳамда Буюк ипак савдо йўлининг йўқолиши сабабли қурилиш суръати сусайди<sup>28</sup>.

Деворлардаги бадий манзаралар, халқнинг маънавий шаклланиши ва ривожланишидаги тарихий жараёнларни қамраб олган бўлиб, унда миллий ўзликни англаш, миллий тафаккур тарзи мўйқалам усталари томонидан маҳорат

26 Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII-нач. XX вв.: Традиции и локальные особенности. М.-1999, Ахмад Тонди. Архитектурный декор Средней Азии эпохи Тимуридов, автореф. канд. искусств. М.-2003.

27 Денике Б.Н, Г.И.Гаганов, Л.И.Ремпель, Г.Н.Томасев, Ш.Е.Ратия, Г.А.Пугаченкова, Л.Ю.Маньковская, П.Ш.Зоҳидов, И.И.Ноткин, Литвинский, Ю.З. Шваб, А.Зайнитдинов, И.Е. Плетнёв, М.С.Булатов, А.С. Уралов, С.С. Булатов ва бошқалар.

28 Прибыткова А.М. Памятники архитектуры Средней Азии (книга-альбом). Т.:1971. -С.113.

билан чизилган. Ҳозирги кунда ушбу деворий рангтасвирлар ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда, «шартлилик», «рамзийлик» анъанавий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Маҳобатли рангтасвирнинг тасвирий, бадий-ғоявий ва техник колористика асослари Шарқ мактаби анъаналари билан боғлиқдир. Замонавий маҳобатли рангтасвир мактабларининг юзага келиши бевосита ва билвосита ана шуларга боғлиқдир.

XVI-XX асрларда маҳалла масжидларида хонақоҳ, унинг ташқи деворларига туташ ёзги намоз ўқиш жойлари, айвонлар, ҳовуз, минора ёки мезана, хужра каби қўшимча хоналар қурила бошланганлиги кўплаб мисолларда ақс этган. Бажарилган маҳобатли деворий суратларнинг таҳлили, уларни бажарилиш услубига кўра тоифаларга таснифлашга ёрдам беради.

Хонлиқлар даврида шаҳарлар ривожланиб, масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, карвонсарой, шифохона ва бошқа типдаги бинолар бунёд этилади. 1557-1598 йилларда Абдуллахон II Бухоро атрофида Шайбонийлар сулоласини мустаҳкамлайди. Шу тариқа Бухоро Сомонийлар (IX-X асрлар) ва Қорахонийлар (X-XI асрлар)дан кейинги юксалишни бошидан кечиради. Бу давр шаҳарсозлигида мажмуасозлик ғоялари етакчи ўринга чиқади. XVI аср охиридан то XIX асрнинг 1-ярмигача Бухоронинг 10 км атрофидаги шаҳар девори бўлиб, у хом ғишт ва пахсадан қурилган эди. Дарвозалар эса пишиқ ғишдан ишланган<sup>29</sup>. «Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакроп ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу-нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, кадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди»<sup>30</sup>.

Диссертациянинг 3-боби «**Замонавий Ўзбекистон шаҳарсозлигида тасвирий ва бадий воситаларнинг қўлланилиш таҳлили (XX-XXI асрлар)**» деб номланиб, унда - XX-XXI асрлар ичидаги ҳайкалтарошлик, тасвирий-бадий ва амалий санъат воситаларини ташқи муҳитда уйғунлаштириш масалалари, шаҳар муҳитида ташвиқот ва тарғибот тасвирий воситалари (ТТТВ) дан фойдаланиш асослари, тарихий ва рамзий тоқ-дарвозаларнинг шаҳарсозликдаги меъморий-бадий аҳамияти тадқиқ этилган. Меъморчиликда ташвиқот ва тарғибот тасвирий воситаларини қўллаш, уни шаҳарсозликда бино ва иншоотлар экстерьериди ўзаро уйғунлаштиришдан қадим замонлардан бошлаб фойдаланиб келинган<sup>31</sup>.

Монументал – декоратив ва декоратив ҳайкалтарошликнинг ўзаро таъсири қурилиш индустриал ишлаб чиқаришида архитектура ва декоратив – амалий санъатшунослик назариясининг энг долзарб ва кам ўрганилган бўлимларининг бири бўлиб ҳисобланади. Янги тасвирий воситалар билан тасвирлаш

<sup>29</sup> Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. – М.: 1950. – С. 104.

<sup>30</sup> Аҳмедов М.Қ. «Меъморий мерос» («Самарқанднома», 2 том). Т.: -2011, «Фан ва технология». -Б.3.

<sup>31</sup> Каптюхин Р.В. Стандартные задачи медиапланирования для рекламной кампании в СМИ: Экономика и современный менеджмент: теория и практика. №11(31) сборник статей по материалам XXXI международной научно-практической конференции.— Новосибирск: Изд. «СибАК», 2013.— 228 с.2.; Росситер Дж.Р., Перси Л. Реклама и продвижение товаров / Пер. с англ. М.Бугаев и др.; Под ред. Л.А. Волковой.— СПб. И др.: Питер, 2000.— 656 с.3. Романов А.А., Васильев Г.А. Каптюхин Р.В. Медиапланирование: учебно-практическое пособие— М.: Изд. центр ЕАОИ, 2010.— 240 с.4.; Каптюхин Р.В. Современные методики реализации эффективных рекламных коммуникаций коммерческих компаний в сети интернет//Теория и практика общественного развития. 2013. № 9.; 5. Романов А.А., Каптюхин Р.В. Управление рекламными компаниями в СМИ: учебно-практическое пособие / М.: Изд. центр ЕАОИ, 2010.

масалаларини ечиш эмоционал-бадий ифодалилик воситаларини фаол излаш билан олиб борилди<sup>32</sup>. Кейинги йилларда, бир томондан, жамоат биноларида ҳар хил турдаги архитектуравий безакни инкор этиш, архитектуравий ифодалиликнинг хусусий шаклларига эътибор қаратилаётганлик ҳолатлари кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан, монументал санъатининг янги имкониятларига қизиқиш уйғонаётганлигини кузатиш мумкин. Замоनावий архитектура йўналишидаги бош фарқ иккита тамойил-ижтимоий вазифалар ва моддий-техник воситалар ҳамда умумий ғоявий-бадий тамойиллар яқдиллигининг мавжудлиги, давом этаётганлиги билан аниқланади. Бу тамойиллар ўз таркибига энг илғор миллий жиҳатларни киритувчи анъанавий асосларнинг намоён бўлишига шарт-шароит яратади. Ҳозирги вақтда архитектура ҳар бир миллатнинг миллий архитектуравий анъаналари спецификаси билан шарт-шароитланадиган ҳиссасининг ўзига хослиги, табиий-иқлим шароитлари ва бошқа бир қатор омиллар билан узлуксиз бойитилмоқда.

Мазкур мажмуалардаги ёдгорликлар уруш мавзусини инсониятнинг фожеаси сифатида очиб бериш билан бир вақтнинг ўзида уруш қатнашчиларининг руҳий кучини, инсонпарварлик ва ватанпарварлик фазилатларини ҳам ёритиб берган. 1941-1945 йилларга бағишланган хотира ёдгорлик – Мангу олов ва унинг ёнида жойлашган «Мотамсара она» ҳайкалтарошлик композициясига мисол бўла олади (арх. О.Торениязов, ҳайкалтарош Ж. Толегенов, 1999). Эгилган ҳолатдаги мотамсаро қорақалпоқ аёл – она натуравий ифодаланган қомати юқори маҳорат билан ижро этилган<sup>33</sup>.

Ташқи рекламанинг тарғибот-ташвиқот тасвирий воситалари шаҳарсозлик бош тарҳида шаҳар кўчаларини безатиш режаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади: шаҳарсозлик тармоқлари (турли майдонлар) уч тоифада (маҳаллий, туман ва умумшаҳар аҳамиятидаги); магистрал йўллар ва кўчаларнинг йўналишини бирлаштиришдан иборат.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шаҳарлари генплани ечимида мавзунинг яққолроқ ифодалаш учун тасвирий ва бадий воситаларнинг барча имкониятларидан фойдаланиш лозим: образлилик, ифодавийлик, меъморий шакл ва муҳит, анъанавий усуллар ва мавзу, рангни, ёритишни фактура, монументал ва амалий безак санъат турини тўғри танлаш. Тематик жиҳатдан тарғибот-ташвиқот тасвирий воситалари билан безатиш услуби (тарихий ва байналминал байрамларга, меъморий-бадий ёдгорликлар, истиқлол ютуқлари) 4 гуруҳга бўлиб ўрганилган.

Бундай тик акцентлар ўрта асрлар меъморчилигида қалъа дарвозалари, пештоқ, гумбаз, кайвон, тоқ ва равоқ, баъзида эса чортоқ ва минора, ёки махсус бадий жиҳатдан ишлов берилган орнаментли деворлар орқали бажарилган. Улар шаҳар тизимида бинолар силуэти билан узвий боғланган. Одатда шу

---

<sup>32</sup> Круглова М.Г. Монументы в архитектуре городов. М.-1952., Крестовский И.В., Петрова Е.Н., Беликов Н.И. Монументальная и декоративная скульптура XVIII-XIX веков. Л.М.Л.-1951., Бараскик. Трактат по скульптуре Б.:Меридиане, 1964, Бринкман А.Э. Площадь и монумент как проблема художественной формы. М.-1935.

<sup>33</sup> Қидирбаев Б.Ю. Формирование и пути развития монументально-декоративного искусства в современной архитектуре Каракалпақстана// авторф. канд. дисс. Т.-2019. –С. 32.

тасвирий воситалардан фойдаланиш мақсадида тоқ, чортоқ, гумбаз, миноралар алоҳида иншоот шакллари сифатида бунёд этилган.

Темурийлар даврида Самарқандда 6 та, Бухорода 11 та, Тошкентда 12 та, Шаҳрисабзда 4 та, Марвда 5 та, Эски Термизда 6 та кириш дарвозалари мавжуд бўлган. Шаҳарларда дарвозалардан ташқари дарб, қопқа, боб сингари эшиклар ҳам бўлган. Улар дарвозадан кичикроқ бўлган ва шаҳарни мавзе аҳолиси билан боғлаб турган. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихида шаҳар дарвозалари ўзида Европа «Зафар тоқлари»дек «рамзийлик» касб этмаган, балки мудофаа-ҳимоя функциясини бажарган. Ўтмишда ҳар бир шаҳар ўзининг махсус дарвозаларига эга бўлган. Шаҳар рамзи фақат дарвоза эмас, балки минора кўринишида ҳам бўлган<sup>34</sup>.

Мустақиллик шарофати билан Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари тарихий дарвозаларининг айрим намуналарини қайта тиклаш ва улардан рамзий маънода фойдаланиш масаласи илгари сурилди. Бугунги кунда республика шаҳарларига кираверишдаги шохкўчаларга рамзий тоқ-дарвозалар, кўприк-дарвозалар ва пост-дарвозалар қуриш тажрибалари кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун, ушбу шаҳарларга тарихий дарвозалари номларидан фойдаланиб, шаҳарсозлик нуқтаи-назаридан вилоят, шаҳар, кичик шаҳар ҳамда туманлар миқёсида ва муайян вилоят тизимида комплекс равишда рамзий дарвозалар, йўл белгилари ва мемориал ёдгорликлардан иборат меъморий-бадий яхлит муҳит яратиш долзарб масаладир. Ўз вазифасига кўра бугунги дарвоза «ҳимоя» эмас, балки соф «рамзий» характердаги белги ҳисобланади. Бунда замонавий дарвозаларнинг асосий функцияси унинг «бадий восита» сифатида бирламчи эканлигини таъкидлайди. Шаҳарда қад кўтараётган рамзий дарвозалар бадий-меъморий ечимига кўра ўзаро ўхшаш бўлмаслиги лозим. Улар Ўзбекистон шаҳарларининг «тарихий»лиги ва «оригинал» лигига урғу беради.

Бугунги кунда – дарвозаларнинг шаҳар худудига нисбатан жойлашуви, рамзий дарвозалар хоналари таркиби, ўзаро мутаносиблиги, миқёси ва қандай қурилиш ашёси қўлланилиши каби қатор ҳажмий-фазовий масалаларни ўрганиш ҳозирда муҳим вазифаларга айланган. Шаҳар бош режасида бу дарвозалар биринчи даражали объект деб қаралиши лозим. Уни муайян бадий тизимга солиш таклиф қилинган.

Диссертациянинг 4-боби «**Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий-бадий воситаларни такомиллаштириш ва қўллаш (XX аср Шўролар даври)**» деб номланган. Ушбу бобда XX аср 2 ярми-XXI аср бошларидаги Ўзбекистон меъморчилик амалиётида умумий ва хос хусусиятлар, ёндош ва хорижий мамлакатлар амалиётини, замонавий меъморчиликда тасвирий ва бадий воситаларни қўллашнинг илғор йўналишлари ёритилган.

1970-1980 йилларда кўпқаватли темир-бетон уйлар қурилиши кенг тарқалди. Қуёшли Ўзбекистонда меъморий объект тизими ва қурилиш услубидан келиб чиқиб (йирик панелли, керамзит монолит йиғма темир-бетон

---

34 Мухторов. А. Шаҳар дарвозаси //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. Т.-2006. 24.01. –Б. 1.

ишлаб чиқаришда) фасад деворининг 3та асосий тектоник талқин этиш концепцияси шаклланганди: Вазмин конструкция ва унинг моделировкаси;

1- Девор юзасида фактура ва рангни (мозаика) қўшиш билан; Фасад юзасидан кескин ажралиб чиқувчи тик ёки ётиқ, эластик элементларнинг каркас тизими<sup>35</sup>.

Шундан 2 концепция Ўзбекистонда айниқса кенг қўлланилди. Қурилишда бетон ва темир-бетон қўлланилиши девор юзаси эстетикасида янги ютуқларга олиб келди, чунки куруқ-иссиқ ҳудудлар куёш нурини қайтариш учун текис девор юзалари мақсадга мувофиқдир<sup>36</sup>. Ўзбекистон иссиқ иқлимлилиги сабабли ички ва ташқи безаклар юзаси силлиқ, қаттиқ ва сифатли ашёлар бўлиши лозим. Бунда асосан қурилиш материалларидан пишиқ ғишт, бетон, металл, шиша, гранит (пардоз – мрамор, ганч, ёғоч, сопол), сунъий полимерлар қўлланилган.

Маълумки, сўнгги йилларда қардош Қозоғистон ўлкаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги айниқса изчиллик билан ривожланиб келмоқда. Алматы, Астана, Тараз, Чимкент, Туркистон шаҳарларида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, пойтахт Астана шаҳрида меъморларнинг маълум бир рамзий асосида ноанъанавий меъморчилик соҳасидаги улкан ютуқларга эришганлиги бунга ишорадир.

*Ранг* – энг кучли бадиий-декоратив воситалардан биридир. Унинг ёрдамида ашёларнинг фактураси ва пластикасини, бинонинг композициявий тизими ва тектоникасига урғу бериш мумкин. Иссиқ иқлимли ҳудудларда ташқи девор юзаси оч (оқ) ли силлиқ юзани қўллаш тавсия этилади. Бунда асосан совуқ ранг ва унинг тусларидан иборат пардоз ашёлари орқали меъморчиликда монументал рангтавир ва ҳайкалтарошлик уйғунлашувига эришиш лозим<sup>37</sup>.

Бу функционализм ҳукм сурган даврда айниқса фасадларнинг бадиий воситаси сифатида турлича конструкцияда бажарилган *қуёштўсар элементлар* (бетон, темир-бетон, металл, алюминий, ёғоч, шиша, керамика, мрамор, асбошифер) билан фасадни экранлаштириш аънанаси юзага келди. Бу каби *нафас олувчи* деворий бадиий конструкциялар турини қўллаш, бино фасадининг функцияси ва мўлжалига боғлиқ бўлган. Интеръерида муваққат қуёштўсар пардалар – жалюзи, шторлардан фойдаланилган. Буларни қўллаш тури бино фасади мўлжалига боғлиқ бўлган (масалан “Халқлар дўстлиги” саройи фасадининг мрамор соябон элементлари). Қуёштўсар бадиий конструктив тизимлар, яъни жонли деворлар асосий ёки қўшимча (стационар ва силжитадиган, горизонтал, тик, осма деворли конструкция) декоратив панелли

<sup>35</sup> В.М.Фирсанов. “Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата”/Учебник для студентов. “Высшая школа”. М.:1982. –С.203.; Аронин Д.Э. “Климат и архитектура”. М.-1954; Бартнев И.А. “Форма и конструкция в архитектуре”. М.1968; Бунин А.В., Саваренская Т.Ф. “История градостроительного искусства” М., 1971.; Воронина П.Л. “Конструкции и художественный образ в архитектуре Востока, М.,1977; Гидион Э. “Пространство, время, архитектура”. М., 1975; Ёдикее Ю. “История современной архитектуры 2 М.,1972.

<sup>36</sup> Султонова Д.Н. Традиционные художественные приемы в формировании образа городов Узбекистана//“Ўзбекистон шаҳарсозлигида муҳитни сақлаш ва унинг ўзгариш жараёнлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. ТАҚИ, 20-21 окт. Тошкент, 2017. –Б. 33.

<sup>37</sup> Дерибере М. Цвет в деятельности человека. М.Стройиздат, 1964., Келер-Лукхард. Свет в архитектуре. Свет и цвет как средства архитектурной выразительности. М.-1961.



юпқа пардеворлар бўлиб, улар нақшли, тўр панжарали, ячейкали бўлиши мумкин.

Америка қитъасидаги Мексика меъморчилигида ҳам монументал рангтасвир, мозаика, ҳайкалтарошлик, рельеф айниқса кенг қўлланилган (А.Сикейрос, Х.Ороско, Д.Ривера “Мехикодаги университет шаҳарчаси (1952-54)”<sup>38</sup>. Европа меъмор ва рассомларининг ҳамкорликдаги ижоди Франция (А.Гауди), Италия (Ўйғониш ва янги давр) меъморчилигининг янада уйғунлашувига хизмат қилган.

Айниқса, 1970-1990 йиллардаги 2-сонли Тошкент уй-жой қурилиш комбинати томонидан қурилган кўп қаватли панелли тураржой уйларни безатишга асосланган ака-ука рассом Жарскийлар (П.Жарский, Н.Жарский, А.Жарский, Ташгипрогор) фаолиятида мозаика ва рельефни қўллаш амалиёти натижасида “Тошкент услуги” ва “Тошкент мактаби” шаклланди<sup>39</sup>.

Монументалист Жарскийлар совет даврида кўпқаватли йирик панелли тураржойлар фасадларини бадий қиёфага киритишдаги (монументал мозаика, рельеф, панжара) бадий меъморчиликка улкан ҳисса қўшишган. Рассомлар Тошкент шаҳри 2-сон ДСКда 20 йилга яқин фаолияти давомида 400 дан ортиқ кўп қаватли йирик панелли уйларни ташқи ён фасадини безатишган. Бу ғояни дастлаб монументалист рассом Петр Жарский таклиф этган. У сур рангли уй деворларида яъни “кулранг бетон мато юзасида” улкан ижодий имкониятни кўра олган. Унинг Муқимий кўчасидаги атлас матоси имитациясидан иборат илк *мозаик панели* меъморларни лол қолдирди. Шундан сўнг монументалист-рассомлар эскизлари асосида яратилган мозаик паннолар бирин-кетин рангсиз “типовой” биноларга ранг ва бетакрорлик бахш эта бошлади. Мозаик панелларнинг безак мавзуси асосан Шўролар даври рамзлари бўлган<sup>40</sup>.

А.Жарский шу уйларда *рельефли декоратив панел* ўрнатиш таклифи билан чиқди. Бу панеллар уйларга бадий енгиллик бахш этди. Тошкентнинг У.Юсупов кўчасидаги 9 қаватли уй ён фасадида тўлиқ рельефли композицияни қўллашга эришди. Бундан ташқари, фонтан, бассейн ва кичик меъморий шакллар яратди. Н.Жарский эса шу уйлар фасадида турли *қуёштўсар панжаралар* ўрнатиш ғоясини амалга оширди. Нафақат пойтахт, балки республиканинг бошқа шаҳарларидаги қурилган ҳам кўп ва ўрта қаватли тураржой уйлари ҳам (Самарқанд, Жиззах, Гулистон, Чирчиқ, Навои) кейинчалик мана шу тасвирий-бадий воситаларни қўллаш анъанаси - мозаик панно, рельеф ва панжара услубининг турли кўринишларида безатилди.

Тошкент Сингапур университети талабаси О.Абдувоситов томонидан Туризмни ривожлантириш мақсадида, Тошкент шаҳри 9 қаватли тураржой

<sup>38</sup> Григулевич И. Р. Сикейрос — М.: Искусство, 1980 Жадова Л. Монументальная живопись Мексики. М., 1965 Семенов О.С. Давид Альфаро Сикейрос. Очерк жизни и творчества художника. М., 1980  
Источник: <https://allpainters.ru/sikejros-david-alfaro.html#top6>.

<sup>39</sup> Ф.Мойзер. Сейсмический модернизм. Архитектура и домостроение советского Ташкента (теория и история) Т.-2016). -р.27.

<sup>40</sup> Султанова Д.Н. Традиции художников-инноваторов Жарских в декорировании девятиэтажных жилых домов города Ташкента// Архитектура, қурилиш, дизайн (журнали) ТАҚИ. -Тошкент, 2018. 3-4 сон. -Б. 53-61.

уйлари монументал мозаик безакларининг интерфаол электрон геофотокартаси тузилиб, махсус инновацион сайт яратилган<sup>41</sup>.

Меъморчилик тасвирий санъат асарига шунчаки фон бўла олмайди, балки уйғунлашув шаҳар муҳити тизими яхлитлигига интилиш лозим. Рассом ва меъморлар шаҳар тажрибаларини ўрганиб, шундай хулосага келиндикки, шаҳар муҳитининг меъморий-бадий ечимида фақат локал эмас, балки мажмуавий ёндошув зарур.

Диссертациянинг 5-боби «**Мустақил Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий-бадий воситаларни уйғунлаштириш йўллари (1991 йил - XXI аср боши)**» деб номланган. Ушбу бобида XXI аср ва Мустақил Ўзбекистон давридаги республика, вилоят, шаҳар тизимида бадий муҳитнинг таснифи ва тавсифи, меъморчиликда тасвирий ва бадий воситалардан иборат бадий муҳитни қайта ташкил этиш, уйғунлаштиришнинг истиқболий масалалари ёритилган.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, қадимий шаҳарлардаги тарихий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳизинда мажмуасида бажарилган кенг кўламли таъмир ишларининг замонавий усуллардан бири ҳисобланади<sup>42</sup>.

Ўзбекистон турли халқлар ва маданият вакиллари яшайдиган, кўп минг асрлик тарихга эга бўлган ва ислом маданияти, санъати юқори даражада ривожланган давлатдир. Буюк ипак йўли орқали асрлар давомида сон-саноксиз карвонлар мағриб ва машриқ ўртасидаги савдо-сотикни ривожлантиришган. Мана шундай трансконтинентал алоқаларнинг меъморчилик ва шаҳарсозликда бадий муҳитни такомиллаштиришдаги аҳамияти К.Рихтгофен томонидан белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳайкалтарошлигининг дастлабки Уйғониш даври XX асрнинг 1920-1930 йилларига тўғри келади. Демак, шаҳар муҳитида монументал ҳайкалтарошликнинг анъанавий жанрларидан – портрет-статуя, портрет-бюст, яримфигура ва бирфигуралли, кўпфигуралли ёдгорлик композициялар, уларнинг декоратив ва рамзий-аллегорик турлари қўлланилиши кўплаб кузатилмоқда.

“Гўзаллик олами кутқаради”, ибораси ўзига хос мадҳия бўлиб қолди. Аждодларимиз ҳаётлигидаёқ умумий жаннатни яратишни, барча моддий ижодлар онаси бўлмиш меъморлик паноҳида халқ санъатининг хилма-хил турлари раванқ топиши мумкин бўлган “Қасри муқарнас” ни барпо этишни орзу қилган<sup>43</sup>.

Меъморий композициядаги яхлитлик ёки унинг уйғунлик қонуни нафақат шаҳарсозлик ва архитектурада, балки амалий санъат, рангтасвир ва

<sup>41</sup> Abdubositov O, Alieva D., Burieva M. Tashkent mosaics as an asset for tourism development//ссылка на фотографии [www. https://drive.google.com/open?id=1SdhPetWwgRF1kYsYK9j3sTfRwm6zOIfY](https://drive.google.com/open?id=1SdhPetWwgRF1kYsYK9j3sTfRwm6zOIfY), Т.-2020.

ссылка на карту [www. https://drive.google.com/open?id=1-hVUscysvF8xfIqgTQk5sHeT3fUPY7U&usp=sharing](https://drive.google.com/open?id=1-hVUscysvF8xfIqgTQk5sHeT3fUPY7U&usp=sharing).

<sup>42</sup> И.А.Каримов. «Туркистон-пресс» Миллий Ахборот Агентлиги мухбирига берган интервьюсидан. «Зарафшон» газетаси. – Самарқанд, 25.02.2007, -Б. 1.

<sup>43</sup> Ш.Шоёкубов. Замонавий Ўзбекистон миниатюраси. Т. - 2006. -Б.12.

ҳайкалтарошликда ҳам бирдек мавжуд эканлиги ёритилган. Республиканинг кўпгина шаҳарларида энг муҳим жамоат иншоотлари мозаика, деворий сурат, рельеф, витраж ва гобеленлар билан зийнатланди.

Шаҳар муҳити меъморий тузилишининг ижтимоий жиҳатлари аввало аҳоли учун қулайлик яратишга боғлиқдир. Меъморчилик – инсон ва шаҳар муҳити ўртасидаги муносабатни яратиш, шаҳар каби мураккаб ижтимоий организмнинг муҳим функциясини рўёбга чиқаради. Шу нарса аниқландики, бугунги кун меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситалар ўз аҳамиятига кўра умумшаҳар, шаҳарни бир қисми, локал ҳудудлар учун мўлжалланган тарзда классификацияга қараб, улар майдон, кўча, иморат ва бошқа ҳудудларда қўлланиши керак.

Эски ва янги шаҳар тушунчалари меъморчилик ва тасвирий санъатнинг органик синтези тамойилига эришиш учун кўчаларнинг турли фазовий текисликлардаги аниқ боғланиши авваламбор қуйидаги омилларга боғлиқлиги ёритилган:

1. Шаҳарсозликдаги бадиий асарнинг меъморий ансамбллар тизимида муҳитни шакллантириш жиҳатидан ҳамда ҳаракат йўналиши ва кузатувга қулайлиги;
2. Меъморчиликнинг бино экстеръери сатҳидаги монументал санъат билан синтези;
3. Кўчанинг меъморий интерьер ва экстеръер сатҳидаги ўзаро боғлиқлиги билан ифодаланади.
4. Айрим биноларда катта панно ишланишида кўп ҳолларда бинонинг атрофидаги бинолар муҳити билан боғланмаганлиги яққол сезилади.
5. Шунинг учун айрим бинолар (торец) эни бир рангга бўяганда, у шаҳарсозлик системасида уйғунликни таъминлайди.

Бунда янги қурилишлар мавжуд тарихий шаҳар элементлари билан уйғунлашишига алоҳида эътибор берилиши талаб қилинади. Шаҳарсозлик тамойиллари бутун ҳаётий муҳитни бадиий идрок этишни талаб этадики, барча янгиланишларнинг ягона мақсади – бу муҳитни инсонийлаштиришдир. Қисқа муддат ичида қулай, ҳаётий зарур муҳит яратишнинг биринчи шarti – шаҳар қурилишининг мажмуавийлигидадир. Демак, меъморчиликнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у ҳам техникани, ҳам санъатни ўзида мужассам этади, чунки ҳар бир лойиҳа ишлари инженер-техник билимлар асосида олиб борилади. Меъмор ижодий жараён пайтида асосан, геометрик жисмларни тасвирий-бадиий жиҳатдан қўллаб, эмоционал ҳис қилиш орқали образларни яратади.

Бино лойиҳасининг ғоявий мазмуни ва унинг бадиий пластик образи, рангтасвир ҳамда ҳайкаллардан фойдаланиш архитектураси билан биргаликда маҳобатли санъат турларини қўллашга ёрдам беради ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган «санъат синтези»ни келтириб чиқаради. Бироқ, бу замонавий меъморчиликда илғор миллий бадиий анъаналардан воз кечиш керак, дегани эмас. Меъморий асарлар яратишдаги энг сермахсул йўл - бу меъморларнинг рассомлар, халқ усталари билан ҳамкорликда ишлашидир. Бунда кўпрежали бадиий образ яратиш мақсадида турли тасвирий санъат жанрларини бирлаштирувчи санъат синтезини юзага келиши муҳимдир.

Истиқлол йилларида меъморчиликнинг янгича намуналари, унутилиб юборилаёзган гумбаз, устун, тоқ, муқарнас сингари қатор анъанавий бадиий воситаларнинг янгича шакллари юзага келмоқда. Бинога индивидуал қиёфа

бериш, уларни шаҳарсозликда ажралиб туриши учун анъанавий меъморий шакллар ва безак элементларидан фойдаланилади. Бунда ҳар доим ҳам унинг меъёрига амал қилинмайди, натижада эса безаклар мураккаблашиб, ортикча безатиб юборилишига олиб келади. Бундай ижобий ва ноижобий ҳолатларни республиканинг барча шаҳарлари ва туман марказларида ҳам бирдек кузатиш мумкин. Замонавий меъморчиликда бадиий ва тасвирий воситалар қўлланилишининг шаклланиш йўлларида деворий рангтасвир жанри ўз узвийлигини сақлаб келмоқда. Бунда бино тасвирий ва бадиий воситаларни қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда «махсус лойиҳаланган» бўлиши тавсия этилган<sup>44</sup>. Дарҳақиқат, декоративликни – ўтмиш меросга ёндошишдаги юзаки йўл деб ҳисоблаш кенг тарқалган. Аммо, миллий меросни қўллаш меъмордан нозик дид, мезон ва қатъий чегараланишни талаб этади. Бу чегарадан бир оз бўлсада ўтиш, яъни миллийликнинг БВларини қўллашни ҳаддан ошириб юбориш нафақат ноэтик, балки антибадиийлик ҳисобланади<sup>45</sup>.

Замонавий Москва-Сити, Тошкент-Сити ва Самарқанд-Сити каби замонавий бунёдкорлик анъанаси авж олди. 2020 йилларга келиб Ўзбекистонда ҳам ойнали архитектура кириб келган бўлса, кейинги йиллар янада янгича кўринишда ривожланмоқда. Меъморчилик – инсон ва шаҳар муҳити ўртасидаги муносабатни яратиб, шаҳар каби мураккаб ижтимоий организмнинг муҳим функциясини рўёбга чиқаради. Шу нарса аниқландики, бугунги кун меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситалар ўз аҳамиятига кўра умумшаҳар, шаҳарнинг қисми, локал ҳудудлар учун мўлжалланган тарзда таснифланишига қараб, майдон, кўча, иморат ва бошқа ҳудудларда қўлланиши керак. Бетакрор меъморий-бадиий, монументал-декоратив қиёфа яратишда, меъморчилик ҳамда тасвирий-бадиий воситаларнинг ўзаро доимий синтезини ташкил этишга эришиш лозим.

## ХУЛОСА

“Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш йўллари (анъанавийлик ва замонавийлик)” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни қўллаш жуда қадим замонлардан – палеолит даврида ғорли бошпаналар деворларига илк тасвирларни туширишдан бошлаб юзага келган. Ўрта асрлар деворий суратлари ва қўлёзмаларда акс этган чавандозлар тасвиридаги услуб – чизиқ, чизги ва композиция танлашдаги умумийлик, Ўзбекистон монументал рангтасвирида бадиий узвийликнинг илмий асослари илк бор аниқланган.

2. Изланиш натижаларини умумлаштириш шуни кўрсатдики, тасвирий ва бадиий воситалар меъморчилик билан узвийликда тараққий этиб, уларнинг

<sup>44</sup> Султонова Д.Н. “Ўзбекистон меъморчилигида деворий рангтасвирни уйғунлаштириш тамойиллари (шаклланиш ва тараққиёт йўллари)”/ номзодлик диссертацияси. Т.: 2004. -Б. 93.

<sup>45</sup> Демосфенова Г.Л. Вопросы советского искусства и архитектуры. М.: «Советский художник», 1976, –Б. 140.

эмоционал таъсир кучидан Ўрта Осиё меъморчилигида давр мафкуравий қарашларини акс эттиришда фойдаланилган. Сўғдиёна «Афросиёб» саройида очилган машҳур VII аср деворий суратлари ўз даври мафкуравий сиёсати, қудратини акс этишда қўшимча тасвирий восита сифатида қўлланилиш омиллари кўрсатиб берилган.

3. Меъморчиликнинг ғоявий-бадий таъсирини оширишда дастлаб, деворий сураткашлик ва ҳайкалтарошликдан кенг фойдаланилган бўлса, IX асрдан бошлаб пештоқ, минора, устунлар, гумбазларнинг монументаллигини кучайтиришга катта аҳамият берилган. Ўрта асрларда, шунингдек ҳаттотий орнаментлар ва бошқа ҳокимият мафкурасини тарғиб этувчи тасвирий-бадий воситалар тараққий этган.

4. Қайта тикланган қўл меҳнати воситасида бажариладиган тасвирий ва бадий воситалар турларини қўллаш - меъморчиликда органик уйғунлаштириш имконини янада оширади. Анъанавийлик – ўз ўзагида шаҳар қиёфасининг маданий уйғунлашуви муҳитида маҳаллий, миллий меъморчилик генетик факторларини акс эттириб, замонавий шарт-шароитлар ва услублар билан уйғунлашади. Бунда умумий услубий яхлитликка эришиш лозим.

5. Мустақиллик мафкурасини тарғибот этишда, Тошкентдаги Мустақиллик майдонида янги мустақиллик атрибутлари бўлган эркинлик ва осудалик тимсоли – турна рамзларидан бадий восита сифатида фойдаланилганлиги меъморчиликда гармоник уйғунлашувга олиб келган.

6. Янги кўрғазмали технологияларнинг ривожини шаҳар бадий муҳитида тарғибот-ташвиқот тасвирий воситаларнинг баннер ва билборд техникасидан кенг фойдаланилишига олиб келган. Жамоат бинолар интерьерлари ва экстерьерларида – деворий сурат, бадий панно, меъморий ёдгорликлар, замонавий архитектура объекти ўрнига қисман табиат мавзусидаги замонавий тарғибот-ташвиқот тасвирий воситалари – постер ва билбордларни қўллаш орқали бадий уйғунлаштириш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

7. Шаҳарлар тасвирий-бадий воситаларини архитектурада ўзаро уйғунлаштириб қўллаш учун махсус комплекс бош режаси билан тасдиқлаштириш лозим. Бунда авваламбор асосий кўча, майдон ва шаҳар худудларининг мавзувий йўналишларини ишлаб чиқиш лозим. Ўзбекистон замонавий меъморчилиги - ҳам замонавий ҳам анъанавий йўналишдаги тасвирий-бадий воситаларнинг ўзаро уйғунлигида ривожланиши лозим. Меъморчиликда тасвирий ва бадий воситаларни уйғунлаштиришни ягона бир ғояга - аҳоли пунктига киришдан бошланиб, ҳар бир бино мажмуаси майдони, фасади ва бино интерьерини ҳисобга олиб бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Меъмор ва қурувчиларнинг қурилиш ашёлари саноати билан ўзаро ҳамдўстликда яратган объектларнинг сифати, умрибоқийлиги, меъморий асарнинг асосий фазилати, кўркемлигини қуйидагиларга боғлиқ: - оптимал функционал - ифодавий ҳажмий-фазовий ечимига; қурилишда анча илғор ва самарадор ашё ва буюмларни қўллашга; - меъморчиликнинг маҳобатли ва амалий безак санъати билан уйғунлиги ўзига хос ҳажмий-фазовий ечими пардоз ишларининг юқори сифатига.

9. Ўзбекистон замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликда қўлланиладиган уйғунлаштириш услубини (турли давлатлар ҳудудларига, вилоятлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларига кириш белгилари, тасвирий ва бадиий воситаларнинг анъанавий, янгича КМШ) «Меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни қўллаш» деган ягона умумий тушунчага бирлаштириш, уларнинг хусусиятини тадқиқ этиш ва истиқболдаги мукамаллашувининг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиш имконини берди. Меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштиришни ягона бир ғояга - аҳоли пунктига киришдан бошланиб, ҳар бир бино мажмуаси майдони, фасади ва бино интерьерини ҳисобга олган ҳолда бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

10. Ўзбекистон замонавий меъморчилик мустақиллик мафкурасини тарғибот этишда анъанавий шакллардан, мустақиллик давлат рамзларидан, янги воситаларини қайта тиклаб, қуйидаги иншоотлар методик асос сифатида қабул қилиниши ва юқори маҳорат билан фойдаланишни тавсия этилади. Тошкентдаги Мустақиллик майдони, Ғалаба боғи, Тошкентдаги 110-ўртатаълим мактабидаги анъанавий ва янги рамзлар, Термиздаги Алпомиш, Ургенчдаги Жалололдин Мангуберди, Бухородаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» ва бошқа ёдгорликларда қўлланилган синтез усуллари тасвирий-бадиий воситаларнинг намунаси ролини бажариши исботланди.

11. Ўтмишга доир пештоқлар қуриш анъанаси рамзий дарвозалар қурилишига нисбатан қизиқиш ўйотганлиги аниқланди. Уйғунлаштирилган воситаларнинг эстетик яхлитлигига эришиш мақсадида, қўлланилиши лозим бўлган асосий рамзлар тематикасининг иерархик тизимини киритиш кўрсатилди: - тасвирий ва бадиий воситалари ва умумдавлат рамзларини пойтахт ва вилоят марказларида ўрнатиш; - умумий характерга эга бўлган восита ва рамзларни шаҳар, аҳоли яшаш районида, маҳалла марказида, реклама ва ташқиқот воситаларини локал характердаги майдон ва биноларда шаҳар тизимида ўрнатиш тавсия этилади.

12. Диссертация ишида меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни қўллаш, уйғунлаштириш, жойлаштириш, уларнинг шакллари, масштаби, рангини танлаш бўйича амалий, илмий-услубий тавсиялар келтирилган. Мустақиллик мафкурасини кенгроқ тарғибот этиш мақсадида методлар асосида меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш бўйича мавжуд илмий ҳолатлар тизимли асосда умумлаштирилган.

13. Ташқи реклама меъморчиликнинг анъанавий элементлари, аҳоли яшаш пунктига кириш дарвозаси, амалий санъат, ҳайкалтарошлик, рангтасвир ва монументал санъат, замонавий компьютер графикаси воситалари билан ўзаро уйғунликда қўлланилиши лозим. Кўп ҳолларда ТТТВлар (суперграфика) билан фасадни мажмуавий безатишда бу иккала - анъанавий ва замонавий йўллари ҳам уйғунликда қўлланилади. Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни 3-Ренессанс пойдеворини яратишда меъморчиликда анъанавий ва замонавий тасвирий-бадиий воситаларни ўзаро уйғунлаштириш йўллари муҳим ўрнига эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. А.11.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**СУЛТОНОВА ДИЛШОДА НАМОЗОВНА**

**ПУТИ ГАРМОНИЗАЦИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНЫХ И  
ХУДОЖЕСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В АРХИТЕКТУРЕ УЗБЕКИСТАНА  
(традиционность и современность)**

**18.00.01- Теория и история архитектуры.  
Реставрация и реконструкция памятников архитектуры**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО АРХИТЕКТУРЕ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.DSc/A2.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском) размещён на веб-странице по адресу <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: <http://library.ziyo.net.uz>.

**Официальные оппоненты:**

**Зияев Абдуманноп Абдурахимович**  
доктор архитектурных наук, ст. научный сотрудник

**Дурдиева Гавхар Салаевна**  
доктор архитектурных наук, ст. научный сотрудник

**Мукимов Рустам Саматович**  
доктор архитектурных наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.A.11.02 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, город Ташкент, улица А.Кадыри, дом 7В. Архитектурный факультет, зал заседаний. Тел.: (+99871) 235-43-30, факс: (+99871) 234-15-11. Web:[www.taqi.uz](http://www.taqi.uz), e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрированной за № \_\_\_\_). Адрес: 100011, город Ташкент, улица Навои, дом 13. Тел.: +99871 244-63-30

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Д.А.Назилов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
архитектуры, профессор

**Т.Ш. Маматмусаев**  
Ученый секретарь совета по присуждению  
учёных степеней, доктор архитектуры

**Т.А. Хидаятов**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, доктор архитектуры, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации доктора наук) (DSc)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день, в практике мировой архитектуры вопросы взаимной гармонизации общечеловеческих и духовных ценностей считаются особенно актуальными. В связи с этим необходимо констатировать применение абсолютно новых изобразительных и художественных средств, как суперграфика, фасады с целостными орнаментами, цветовое решение фасада, световая и солнечная архитектура. Такой подход способствует формированию новых направлений архитектурного синтеза, придавая новый вид на городскую художественную среду. В этой связи сказывается потребность реконструкции центров, комплексов, имеющих важное значение в исторических городах, а также, реставрация архитектурных памятников, воссоздание обнаруженных во время археологических раскопок исторических зданий и сооружений.

В мировой архитектуре традиционные и современные пути применения изобразительных и художественных средств гармонизации шлифовались в течении многих веков. Взаимовлияние общечеловеческих духовных ценностей в мировой архитектуре и градостроительстве разных народов создаёт основу для её развития. Архитектура ни в одном обществе не развивалась без взаимовлияния, взаимосвязи. Все виды изобразительных средств - живопись, скульптура, внутренний и внешний орнамент, архитектурные украшения, а также новые технические и технологические средства, возникшие в последние века, поднимали эту сферу на новую ступень. В наши дни проводятся значительные исследования в достижении гармонии изобразительно-художественных средств, используя «подлинные стили» в этой области для определения роли повышения выразительных художественных средств агитации и пропаганды, а также ведутся огромные поиски в сфере «архитектурно-художественного образа». В данном исследовании на сегодня уделяется главное внимание на усиление эмоционального влияния архитектуры в применении изобразительных и художественных средств. В большинстве случаев, термин «изобразительно-художественный» используется вместе, несмотря на разнообразие архитектурных материалов и способов их эффективного использования и выявления влияния их в процессе развития современной городской культуры.

После обретения независимости особенно остро ощущается необходимость гармонизации в современной архитектуре. Идут процессы устранения однообразия, унаследованного от массового индустриального строительства, предпринимается усилия по развитию социальной и эмоциональной роли «солнечной архитектуры» в гармонизации изобразительно-художественных средств. «Объекты культурного наследия являются бесценным национальным богатством всего нашего народа, сохранение и без потерь передача их следующим поколениям является долгом для нас всех»<sup>46</sup>.

---

<sup>46</sup> Мирзиёев Ш. Задачи по благоустройству памятных мест наших великих предков. (Речь на совместном заседании палат Олий мажлиса и политических партий). «Народное слово». – 2017. 13 июль. №137 (6831).

Данное исследование в определенной мере послужит в реализации нормативно-правовых задач, указанных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-5181 от 16 января 2018 года «О совершенствовании охраны и использования объектов материального, культурного и археологического наследия», Указы Президента Республики Узбекистан №УП-5030 от 1 мая 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству», №УП-5408 от 2 апреля 2018 года «Об организации деятельности Министерства строительства Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5577 от 14 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию государственного регулирования в сфере строительства.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики в области фундаментальных исследований: I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

#### **Комментарии научных исследований по теме диссертации<sup>47</sup>.**

Научные исследования по сохранению и охране исторических городов осуществляются с помощью исследований по использованию новых изобразительных технологий гармонизации в архитектуре в ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях таких как UNESCO, Международный совет по сохранению памятников и достопримечательных мест ICOMOS (Париж), Международный исследовательский центр по сохранению и реставрации культурных ценностей ICCROM (Рим), Научный центр по сохранению и реставрации культурных ценностей Японии JCICC, Национальный институт исследований материально-культурного наследия NRICT (Токио), Центр сохранения Великой китайской стены (Пекин), Реставрационная лаборатория Nardino Restawro (Италия), Университеты Bauhaus и Potsdam (Германия), Организация CRATerre (Франция), Научный центр RAMAPO KOLLEGE (Нью-Йорк, США), Национальный центр имени Raymond Lemaire (Бельгия), кафедра UNESCO при Российском комитете специализированного учреждения Организации Объединённых Наций по вопросам образования, науки и культуры (Москва), Узбекско-немецкий центр (Ташкент, ТАСИ), международных проектах UNESCO по странам СНГ.

В результате проведенных ведущими научными центрами всего мира исследований по сбору, сохранению и обработке информации об исторических городах были достигнуты ряд положительных результатов, в частности, была создана концепция сохранения, реконструкции и рационального использования

<sup>47</sup> <http://whc.unesco.org/en.list> конференция\_1954., Интернет материаллари: <http://www.touruz.narod.ru/khiva>, <http://www.mail.ru/khiva> Рекомендации, одобренная в докладе Комиссии по программе II на ее 34-м пленарном заседании 26 ноября 1976 года. IK2017\_нарушения и угрозы\_UZ, Literature, F\_1954.pdf.file:/E:/Conservationfilencharter\_ICOMOSAustralia\_2013/The-Burra-Charter-2013-Adopted-31.10.2013.

исторических городов (UNESCO, ICOMOS); разработана концепция определения охранных зон памятников, расположенных на территориях исторических городов, включенных в список культурного наследия (Национальный центр Raymond lemaire, Бельгия), даны рекомендации по использованию крытых конструкций для сохранения археологических памятников (NRICT, Токио); выявлено закономерность гармонизации настенных росписей в архитектуре (CRA Terre, Montay University, ASPA) разработана технология применения модифицированного глинозёма, получаемого из местного сырья и материалов, при ремонте и восстановлении крепостных стен городов (Пекин); разработаны конструктивные меры по ремонту подземных и надземных частей архитектурных памятников с использованием современных строительных материалов - железобетона, металлопроката (Восстановительная лаборатория Nardino Restawro, Италия); усовершенствованы методы канально-сейсмометрического и электромагнитного определения сейсмостойкости архитектурных памятников (Туринский политехнический университет и ТАСИ, Ташкент).

по сохранению и реконструкции исторических городов в мире проводится ряд исследований, в том числе по таким приоритетным направлениям, как: сохранение исторически сформировавшейся структуры города при обеспечении его устойчивости и прочности; создание механизмов соответствия древних городов требованиям современных транспортных и инженерных инфраструктур; создание различных индикаторов исторических городов, в частности, создания базы данных о расположении, времени возникновения территории и планировочном решении древних городских поселений; на основании имеющихся памятников культурного наследия усовершенствование инфраструктуры туристического маршрута Золотого Кольца вдоль Великого шелкового пути; обеспечение сохранения структурной значимости, сформированной в течение веков при реконструкции объектов архитектурного и культурного наследия исторических городов и обеспечение качества при минимизации вносимых изменений; создание единой системы восстановления защитных зон на территории архитектурных памятников; определение стандартов применения традиционных или соответствующих им материалов и технологий при выполнении реконструкции и реставрации архитектурных памятников; создание методики гармонизации изобразительных и художественных средств в архитектуре<sup>48</sup>.

---

<sup>48</sup> Nath R. (History of Mugal Architecture/ NewDelhi-1986-1994), В.Barsch, P.Meuser (Kunst und Architektur aus Zentralasien. Berlin-2004), K.Ritter (Soviet modernism 1955-1991/Unknown History. Zurich-2012), Ф.Мойзер (Сейсмический модернизм. Архитектура и домостроение советского Ташкента (теория и история) Т.-2016), Ф.Мойзер (Эстетика пустоты. Современная архитектура в Центральной Азии. Т.-2002), Я.Гейль (Жизнь среди зданий/М.-2012) хамда Е.Blochet «Musulmon Painting», «Miniature Painting», Г.П.Степанов «Взаимодействие искусств», О.Грабар «Формирование исламского искусства» (М.-2016), В.Перфильев «Станковое и монументальное», З.Толстой, Е.С.Пономарёва «Интерьер ва фукаролик иншоотларининг жихозланиши», К.В.Тревер «Согдийский всадник», О.Б.Павлов «Термофосфатная живопись и её художественные возможности», Е.Г.Гринёвич «Исследование вопросов проектирования цвета в интерьерах массовых общественных зданий (в условиях Средней Азии), И.Ф.Бородин «Интерьер монументальных сооружений

**Степень изученности проблемы.** Исследование истории архитектуры и градостроительства Средней Азии в целом и Узбекистана в частности началось более века назад. За прошедшее время были опубликованы в виде научных статей, монографий и диссертаций результаты исследований, направленных на изучение тех или иных особенностей развития городов нашего края. При изучении процессов развития гармонизации изобразительных и художественных средств Средней Азии были использованы исторические материалы из зороастрийской книги «Авесто», «Китоб сурат ал-ард» («Книга описания Земли») Ибн Хавкала, «История Бухары» Наршахи, «Дневник путешествия в Самарканд – во дворец Амира Тимура» Руи Гонсалеса Клавихо, «Зафарнома» Шарафуддина Али Язди, «Матлаи Саъдайн и Мажмаи Бахрайн» Абдураззака Самарканди, «Бабурноме» Захириддина Мухаммада Бабура, «Самария» Абу Тахирходжа, «Шажараи Хоразмшохи» Баёни и других источников. Имеются ряд опубликованных научных трудов, статей и исследований, посвященных изучению исторических городов и архитектурных памятников Узбекистана, истории населенных пунктов, работ по восстановлению, реставрации и благоустройству исторических кварталов древних городов и сохранившихся на их территории памятников архитектуры.

На сегодняшний день на основе научных трудов крупных учёных (Т.Велл, Ф.Мойзер - Германия, Ж.Фрей – Франция, М.Г.Бархин, Н.В. Баранов, Б.А. Глауддинов, И.Г. Лежава, В.А. Лавров, С.М. Мамажонова, Р.С. Мукимов, Ю.В. Ранинский, Г.П.Степанов, В.П.Толстой, О.А.Швидковский и другие) предложены важные конструктивные решения по историческим основам проблемы гармонизации изобразительных и художественных средств в архитектуре.

